

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 3-iyul, shanba № 52 (8285) ISSN 2010-6416

БОҶИЙ ФИКРЛАР

Туғилган ердан
кўнгил узилмас,
Юрт қўриганнинг
юрти бузилмас.

Ўзбек халқ
мақоли



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодимиз қалбида она юрт тупроғини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Ана шу муҳим йўналишда шаклланган анъаналарни узвий давом эттирган ҳолда, ўтган давр мобайнида барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритган улкан марралар, ютуқ ва натижаларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини, кадр-қимматини теран идрок этиш, уларни эл-юртимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз қалбида чуқур таассурот қолдирадиган юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **"Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон"** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ўтган ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муно-

сиб ўрин эгаллаш даври бўлганини чуқур очиб бериш;


мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустақамланиб бораётганини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

шу ўтган даврда бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, одамларимизнинг дунёқарashi тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини ҳар томонлама очиб бериш;

(Давоми 2-бетда.)



Abituriyent — 2010



ҚИШЛОҚДАГИ ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР

танлаган касбимга ишончимни янада
мустаҳкамлади, — дейди Ғиждувон туманидан келган
абитуриент Маҳлиё НАЗАРОВА

Шу кунларда республика мида ҳар галгидан-да пухта тайёргарлик кўрилганлигининг шохиди бўлди. Қабул жараёнида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам кўнгилдагидек ташкил этилган. Фойе ва унга ёнма-ён жойлашган катта аудиторияда институт ҳақида, бу ерда очилган қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш ҳамда қишлоқ қурилишини лойиҳалаш йўналиш-

мига ҳар галгидан-да пухта тайёргарлик кўрилганлигининг шохиди бўлди. Қабул жараёнида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам кўнгилдагидек ташкил этилган. Фойе ва унга ёнма-ён жойлашган катта аудиторияда институт ҳақида, бу ерда очилган қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш ҳамда қишлоқ қурилишини лойиҳалаш йўналиш-

ри бўйича маълумотлар тўла акс эттирилган. Абитуриентлар махсус ажратилган жойда эмин-эркин аризаларини тўлдиришлари мумкин. Муҳими, олий таълим муассасасининг барча йўналишлари бўйича махсус стендлар тайёрланган. «Очиқ эшиклар куни» дастури асосида қизиқувчиларнинг ҳар қандай саволларига тўлиқ жавоб бериляпти.

(Давоми 5-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

**ОЛТИ ЁШДАН
МАКТАБГА**

бу имконият синов орқали қўлга киритилади

3-бет

**ТИРИКЛИК
ТИЛСИМИ**

5-бет

**УЗОҚ
ГУЛЛАЙДИГАН
ДАРАХТ**

11-бет

**БУГУН
ЭРМАТОВГА
МУХЛИСЛИК
ҚИЛАМИЗ**

15-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ
ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

истиклол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётганини, ҳар бир юртдошимизнинг ўз истеъдод ва қобилиятини намоён этиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустақам замини бўлиб келаётганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъно-мазмунига теран сингдириш;

биз танлаб олган миллий тараққиёт йўли асосида юртимизда кенг кўламли ислохотлар янги босқичда давом эттириляётгани, Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқирози шароитида иқтисодийнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт даражасини барқарор сақлаб қолиш борасида эришяётган амалий натижалари, тараққиётнинг ўзбек моделига хос устувор тамойиллар дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этиляётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом бўлиб камол топаёт-

ганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуруний" ва "Маҳалла" жамғармаларига Мустақиллик байрамининг ўн тўққиз йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида обо-

донлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчиликнинг вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга ошириляётгани юзасидан ҳар қайси ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна расмолари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор

санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши кўшиқлар, мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуг, энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросида-

ги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириляётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 30 июнь

Танловга «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Такдим этиладиган асарларда Ватанимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият курилиши, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этишининг, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустақам замини бўлиб келаётгани чуқур очиб берилган бўлиши керак.

Шунингдек, эълон қилинган материаллар мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз - халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустақамланиб бораётганини, бетакор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда биз учун энг буюк, энг азиз қадрият, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилашларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи - мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азиз» анъанавий танловига таклиф этади.

ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний камол топаётганини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

"Энг улуг, энг азиз" танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

— ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;

— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
— телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
— тасвирий санъат асарлари;

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна»
ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 244-12-61; 244-37-87; 244-11-64.

— кино санъати асарлари.

Танловга такдим этилган ижодий ишларга куйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг паспорти нусхаси;

— иш жойидан тавсиянома;

— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2009 йилнинг 1 августидан 2010 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, эълон қилинган тасвирий санъат ва экранларда намойиш этилган кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрами арафасида мукофотландилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ёз фасли мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу даврда кичик гуруҳ болалари ёзги соғломлаштириш машғулотлари билан чиниқётган бўлса, катта гуруҳ тарбияланувчилари мактабга тайёрлов синов жараёнига жалб қилинган.

Миробод туманидаги 175-мактаб ҳовлиси болалар ва ота-оналар билан гавжум. Бу ерда бўш ўтирган боланинг ўзи йўқ. Кимдир онасига билган ёввойи ва уй ҳайвонлари ҳақида гапириб бераётган бўлса, сочлари икки ўрим кўзлари чақнаб турган қизалоқ эса бармоқлари билан нималарнидир ҳисоблайпти. Сал нарироқда қорачадан келган болакай ёд олиб келган шеърини машқ қилаяпти. Бу — олти ёшли болаларни психологик-педагогик комиссия назоратидан ўтказиш жараёнидир.

ТАШХИС ҚАНДАЙ КЎЙИЛАДИ?

Ҳар бир бола мактабга боришни интиқиб кутади. Ундаги ҳавас ва иштиёқ ака-опаларининг сумкасини кўтариш, китобларини варақлаш, дафтар ва ручкаларидан фойдаланишга ошиқишидаёқ билинади. Етти ёшли бола мактабга йўлланма олар экан, унга шифокор кўригининг ўзи етарли. Агар жиддий муаммо бўлмаса, у яшаш жойига яқин ҳудуддаги мактабда таълим олишда барча имкониятлардан фойдалана олади. Мактаб ёшига етмаган болалар-чи?

Сайёра Алимхўжаева, Халқ таълими вазирлиги ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Марказининг Психологик-педагогик ташхис ва психологик хизматлар бўлими бошлиғи:

— Мактабга олти ёшдан борадиган болалар тиббий ва психологик кўриқдан албатта ўтказилиши зарур. Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 2006 йил 5 январдаги 2/1-сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланган "Олти ёшли болаларнинг тиббий кўриги тўғрисида"ги Низом асосида ҳар йили 1 февралдан 30 апрелгача туман, шаҳар халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳамкорлигида тиббий муассасаларда ишлаб турган тор (педиатр, невропатолог, болалар жароҳи, ортопед, офтальмолог, стоматолог, эндокринолог, логопед ва психоневролог) мутахассислардан тузилган махсус комиссия томонидан ўтказилади. Тиббий кўрик комиссияси томонидан олти ёшли болаларнинг умумий жисмоний ривожланганлик ҳолати (бунда ўғил болаларнинг вазни 21 кг., бўйи 117 см., қиз болаларнинг вазни 21,6 кг., бўйи эса 118 см.дан паст бўлмаслиги, кўкрак қафасининг айланаси ўғил болаларда 58 см., қиз болаларда эса 57,1 см. бўлиши керак), саломатлик даражаси ҳақида тиббий ҳулоса чиқарилади. Тиббий кўриқда мутлоқ соғлом деб топилган болалар психологик-педагогик комиссия назоратидан ўтишлари мумкин. Қолган олти ёшли болаларнинг ота-оналарига эса соғломлаштириш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш юзасидан тавсиялар берилади.

Май-август ойларида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимида 6 ёшли болаларни мактабга қабул қилиш бўйича психологик-педагогик ташхис ко-

миссияси тузилади. Мазкур комиссия Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 17 мартдаги 60-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олти ёшли болаларнинг психологик-педаго-

бўлади. Ёши улғайгани сари у чизган расмдаги белгилар сони ҳам кўпайиб, мукаммаллашиб бораверади. 6 ёшда етарли даражада мактабда ўқишга тайёр бўлмаган боланинг ота-онасига психологик-педагогик ташхис ҳулосаси асосида қўшимча тавсиялар берилади.

Нигора Алимова, Миробод тумани ХТБ Ташхис маркази раҳбари:

— Психологик-педагогик кўрик комиссияси туманимизнинг 3та ҳудудида ташкил этилган бўлиб, I ҳудуд 214-мактабда, II ҳудуд 110-мактабда, III ҳудуд 175-мактабда иш олиб боришмоқда.

Янги ўқув йилида туман мактабларига 2225 нафар ўқувчи қабул қилиш режалаштирилган. Айни пайтда 1536 нафар олти ёшли бола тиббий кўриқдан ўтган. Уларнинг

«ТЎРТИНЧИСИ ОРТИҚЧА»

Логопед Наргиза Рустамова ёнидаги болакай билан "Тўртинчиси ортиқча" топширигини бажармоқда. Бу топшириқдан мақсад — боланинг мантикий фикрлаш доираси, тасаввур теранлиги, кўриш, идрок этиш, нарс-буюмлар орасидаги мантикий боғлиқликни аниқлаш лозим.

— Айрим болаларда фарқлай олмаслик ҳолати бор, қўл моторикаси унчалик ривожланмаган. Товушлар талаффузида камчиликлар учрайди. Буларни бартараф этиш учун улар билан тўғри ишлаш билиш керак, — дейди мутахассис Наргиза Рустамова.

АЗИЗА СИНОВДАН ЎТДИ!

Taraddud

У ҳали кичкина бўлишига қарамай инсоннинг тана қисмларини тўғри фарқлай олган. Бошқа болалар одамнинг қулогини чизишмаган, баъзиларида эса қош йўқ. Бир қўлдаги бармоқлар сони учта, иккинчисидан эса бешта. 553-МТМ тарбияланувчиси Азиза Сафарбоевнинг чизган расми анча мукаммал. Шуларни ҳисобга олган мутахассислар Азизани 158-умумтаълим мактабидан ўқишга тавсия қилишди.

БОЛА СИНОВДАН ҚАЙТДИ, ЯНА ИМКОНИЯТ БОРМИ?

Болалар тез таъсирланади, ҳаяжонга берилади. Шуларни ҳисобга олиб, биринчи марта назоратдан ўта олмаган болалар август ойида қайта кўриқдан ўтказилади. Сабаби, кўпчилик ичида ўзини йўқотиб қўйган бола аслида мактабга тайёр бўлиши ҳам мумкин. Айрим болалар тиббий монелик туфайли қабул қилинмади. Ана шундай муаммолардан бирига дуч келиб, ҳужжати қабул қилинмаган 6 ёшли Рамилянинг онаси Нилуфар Мусаева шундай дейди:

— Қизимни бу ердаги мутахассислар кўриб, оёғида саломатлиги билан боғлиқ муаммо борлиги учун шифокор-

ОЛТИ ЁШДАН МАКТАБГА

бу имконият синов орқали қўлга киритилади

гик ташхис комиссиялари тўғрисида"ги Низом талаблари асосида ишлайди.

Кўриқка келган 6 ёшли боланинг нарс-буюмларни гуруҳлаштириш ва умумлаштириш, уларнинг фазода, маконда жойлашини билиш, қўл моторикасининг ривожланганлиги даражаси аниқлаштирилади. Шунингдек, ундаги диққат, хотира, сезги, тафаккур, идрок, ҳаётни билиш каби жараёнлар ҳам жиддий кўздан кечирилади. Психологик-педагогик кўрик комиссияси ҳулосасига кўра, олти ёшли бола мактабда ўқишга тавсия этилади ёки етарли даражада тайёр бўлмаган боланинг ота-онасига зарур тавсиялар берилади. Зеро, ўқувчилик даври боладан ўзига хос талаб ва вазифаларни уддалай олиши, ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёр бўлишни тақозо этади.

Азиза Аҳмедова, психолог:

— Беш ёшдан ошган болада мантикий фикрлаш, тасаввур қилиш, кўриш орқали идрок эта олиш кўникмаси шакланган бўлади. Бола қобилияти расм чизиш, бир гуруҳ суратлар орасидан "бегона"сини ажратиш, расмда тасвирланган буюмларнинг жуфтини топиш, гиламчаларни ямаш ва аввалдан тузилган саволларга жавоб бериш каби топшириқлар билан синаб кўрилади. Бола чизган расмга қараб, унинг феъл-атворидаги айрим хусусиятларни аниқлаш мумкин. Бу ёшда болалар одам танасидаги аъзоларни тўлиқ билади ва улар ҳақида ўз тасаввурига эга бўлади. Агар расмда юзнинг бирорта аъзоси тушириб қолдирилса, бу мулоқотга киришишда муаммога дуч келишини аниқлатади. Расм қанчалик тўлиқ бўлса, боланинг руҳий ривожланганлик даражаси ҳам шунча юқори



634 нафари таълим олиш лаёқатига эгаллиги аниқланди. Олдинда мутахассислар кўриги турибди. Биз айни пайтда III ҳудудда тиббий кўрик ҳулосасига кўра, мутлақ соғлом деб топилган олти ёшли болаларни синовдан ўтказаямиз. Улар психологик-педагогик ташхисдан ўтказилганидан сўнг ҳар бир топшириқ бўйича олган баллари умумлаштирилади ва якуний ҳулоса чиқарилади. Агар боланинг тўплаган бали 28—34 балл бўлса, у мактабга тайёр, 21—27 балл тўпласа, таълим олиши мумкин, 16—20 балл олган бола тайёр эмас, деб ҳисобланади ва чуқурроқ психологик-дефектологик ташхисдан ўтказишга тавсия этилади.

— Азиза, қани айт-чи, сигирнинг боласини бузоқча деймиз. Қўй ва отнинг болаларини қандай атаймиз?

— Қўйнинг боласи кўзичоқ, отнинг боласи эса тойчоқ.

— Ўқитувчи, ошпаз, қурувчи ва шифокор нима иш қиладди?

— Ўқитувчи болаларни ўқитади, ошпаз бизга мазали овқатлар пишириб беради, қурувчи уйлар қуради, шифокор одамларни даволайди.

— Қойил! Шундай бўлиши мумкинми: кучук миёвлайди, сигирлар учади, арчада олмалар пишади?

— Йўқ. Мушук миёвлайди, қушлар учади, олма эса олма дарахтада пишади.

Биз Азизанинг "Одам расмини чизиш" топшириги бўйича бажарган ишини кузатамиз.

га учрашимизни маслаҳат берди. Чунки саломатлигида нуқсон бўлса, мактабга боргач таълим олишида муаммолар туғилиши мумкин экан. Биз хафа бўлмадик, қизимга ҳам тушунтирдим. Уни шифокор назоратидан ўтказиб, даволанганидан сўнг етти ёшида мактабга беришга қарор қилдик.

Олти ёшли болаларни кўриқдан ўтказиш жараёни қизгин паллага кирган. Бу ҳар бир боланинг эсида қоладиган воқеа. Жараённи кузатар эканмиз, боланинг синовдан ўтказилиши жуда ҳам қизиқарлиги баробарида мутахассислардан катта масъулият талаб этишини ҳам ҳис қилдик.

Башорат ОТАЖОНОВА, "Ma'rifat" муҳбири

“...Биология шундай фанки, унда тирикликнинг ҳақиқий тилсимларига ечим топилади. Қонуниятлари ойдинлашади. Минг йиллик дарахтлар, атиги бир неча дақиқа яшайдиган ҳашаротлар, насл қолдириш учун минг-минглаб қақирим масофани сузиб ўтувчи балиқлар... Буларнинг бари сиру синоат, тилсимот эмасми? Биз бу фанни қанчалик чуқур ўргансак, бу каби сиру синоатлар кўз ўнгимизда намоён бўла бошлайди. Биология олами инсонлар учун зарур сабоқ ва ибрат вазифасини ўтайди. Чумолининг меҳнатсеварлиги, асаларининг бир мисқол асал йиғиш учун миллионлаб гулларга қўниши ёки кенгуру ўз боласини 3-4 йиллаб халтасида олиб юришидан ҳам ўрганадиган кўп жиҳатлар бор”.

Бу Андижон туманидаги 45-умумтаълим мактабнинг биология фани ўқитувчиси, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2010» кўрик-танлови республика босқичи ғолиби Барно Мухторованинг ўз фани ҳақида билдирган фикрлари эди.

Тўрт ўғил орасида вояга етган Барнонинг биология фанига «ишқи тушиб қолиши»да, аввало, оилавий муҳитнинг таъсири катта бўлди. Отаси Озодбек ака биология фани муаллими, онаси Раъно опа эса шифокор. Ўз-ўзидан аён-ки, бундай оилада биология ва тиббиёт мавзуси бўйича суҳбатлар кўп бўларди. Хали ўқиш ва ёзишни билмас-да, Барно отасининг иш столида турадиган «Қизиқарли биология» китобини varaқлашни жуда ёқтирар эди. Ундаги ўсимликлар, дарахтлар, турли жониворлар, қушлар ва ҳайвонларнинг суратларини соатлаб томоша қилишдан чарчамас, улар орасидан ўзига ёққанларини «меники» дея кичик кафтчалари билан берки-тар, сўнгра бағрига босарди. Шу-шу «Қизиқарли биология» унинг ҳаётдаги доимий йўлдоши бўлиб қолди.

Тумандаги 6-мактабни олтин медаль билан битирган пайтда Барно Мухторова қайси касбни танлаш борасида қатъий фикрга келган эди. Биология бўйича фан олимпиадаларидаги иштироки, мактабдаги фан кечалари, мушоиралар ва муаллимларнинг ишончи уни аниқ мақсад сари — Андижон давлат университетининг биология факультети томон етаклади.

Тиришқоқ ва изланувчан та-

ТИРИКЛИК ТИЛСИМИ

лабанинг ҳаракатлари тезда устозларнинг эътиборига тушди. Қўзибой Кўчқоров, Нозимжон Зокиров ва Толибжон Мадумаров каби ўқитувчилар кўмагида бир неча бор талабалар илмий анжуманларида иштирок этди. Барнонинг «Пахта чигити таркибидаги липидларни аниқлаш» мавзусидаги илмий маърузаси мутахассислар томонидан юқори баҳола-ниб, республика талабалар илмий анжуманида иштирок этиш учун тавсия қилинди.

— Шундай мактабда ишлаш толеимда борлигини доимо мамнунман, — дея таъкидлайди Барно Мухторова ҳозирда ўзи ишлаётган 45-мактаб ҳақида.

Дарҳақиқат, ушбу таълим маскани тумanning энг илғор, таянч мактабларидан бири ҳисобланади. Биология, география каби фанларни ўқитиш бўйича бу ерда ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Тажрибали устозлар ёш ўқитувчиларга ўз билим ва маҳоратларини мунтазам ўргатиб борадилар. Изланиш, маҳоратни чархлаш борасида ҳам муаллимлар жамоаси доимо бир-бирига кўмакка шай. Барно-

«Йилнинг энг яхши фан о'қитувчиси — 2010»

нинг мамлакат миқёсидаги ғалабага эришишида ана шу омиллар кўл келди.

Мана, 14 йилдирки, Барно Мухторова шу жамоанинг аъзоси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Муаллимлар Ҳосилбек Раҳимов ва Барчиной Қосимова унинг илк дарсларини кузатиб, маслаҳатлар берган эди. Устозлар ўғити, ўз устида ишлаш ва дарсларида ноанъанавий усулларни қўллаш унинг доимий ишига айланган.

— Ўқувчини маълум бир



фанга қизиқтиришда фақат дарслик билан кифояланиш натижа бермайди, — дейди муаллима. — Қўшимча адабиётлар, кўргазмалар куроллар, лаборатория ишларини ташкил этиш сизни кўзлаган мақсадингизга олиб боради.

Барно Мухторова раҳбарлигида қарийб ўн йилдирки, мактабда «XXI аср биологлари» тўғараги иш олиб боради. Унинг ҳозирда 60 нафардан зиёд аъзоси бор. Энг қийин лаборатория машғулоти, мураккаб мавзулар айнан тўғарақ машғулотида ўрганилди. 10 нафардан зиёд собоқ тўғарақ аъзоларининг тиббиёт ва биология йўналишлари бўйича олий ўқув юртларида таҳсил олаётганлиги унинг нуфузини оширмоқда. Худди шу тўғарақда шугулланаётган 9-синф ўқувчилари Севара Раҳимова, Абдураҳмон Раҳимов ва Зулфия Холматова ҳам биология фани бўйича вилоят олимпиадасида юқори ўринларни эгаллади. Ҳозирда Андижон тиббиёт институтида таҳсил олаётган Яхёбек Фаррухбек ўғли ва Феруза Қосимова ҳам бир пайтлар шу тўғарақ аъзолари бўлишган.

— Фикримча, ўзлаштирилмайдиган ўқувчининг ўзи бўлмайди, нўноқ муаллим ёки ўз ишини пухта билмайдиган ўқитувчи бўлиши мумкин. Ҳар бир бўш ўзлаштирувчи, тарбияси оғир ўқувчида ҳам маълум даражада иқтидор бор. Ўқитувчи уни тинглаш ва ривожлантиришга хизмат қилиши керак. Бугунги ўқувчи беҳисоб ахборотлар ичида яшайпти. Уни оддий усул билан ўқитиб бўлмайди. Имкон қадар ўтилаётган мавзунинг ранг-баранг усулда уларга етказиш керак. Бугун дарсда кўпроқ ўқувчи фикрласин, ишласин. Мен ўтилажак мавзу бўйича болалардан қизиқарли саволлар тайёрлаб келишларини сўрайман. Табиийки, ўқувчилар берилган топшириқни бажариш жараёнида мавзунинг синчиклаб ўрганадилар. Бу эса ўша мавзунинг ўзлаштириш даражасини оширади.

Умуммиллий дастур доирасида мактабларимизда бугун барча зарур шароитлар яратилди. Фан кабинетлари, лаборатория жиҳозлари ўқитувчилар оғирини енгил қилмоқда. Шундай ажойиб ва тугал имкониятлардан самарали

фойдаланаётган изланувчан ўқитувчилар эса кўплаб ютуқларни кўлга киритяпти.

— Танловлар маҳоратни чархлайди, — дейди Барнохон. — Мен мазкур танловда уч йилдан буён иштирок этаман. Дастлаб туман ва вилоят босқичларида иқтидоримни намойиш этган бўлсам, мана бу йил танловнинг республика босқичида иштирок этиш бахтига эришдим, жуда кўп нарсаларни ўргандим ва ўқитувчи муваффақиятининг асл манбаи изланиш, билимга чанқоқлик эканлигини яна бир бор англадим.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу танлов иштирокчиларининг ютуқлари замирида янада масъулиятлироқ бўлиш, ўз устида ишлаш ва тажрибасини ошириш масаласи мужассам. Шунинг назарда тутган ҳолда айтиш мумкинки, Барно Мухторовадек ўқитувчилар кўлида таълим-тарбия олаётган ёшлар онгида ҳам она табият ва унинг неъматларига нисбатан меҳр, шукроналик туйғуси мустаҳкам бўлади.

Орифжон СИДДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Янги ўқув йили учун институтнинг бакалавр йўналишларига 795 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган, — дейди олий таълим муассасаси қабул комиссияси масъул котиби Шухрат Рейимбоев. — Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йил ҳужжатлар қабули янги очилган ҳамда менежмент, архитектура, бино ва иншоотлар қурилиши, дизайн каби 18та таълим йўналишларига белгиланган муддатларда бошлаб юборилди. Агар ўтган йили институт қабул комиссиясига 1 июлга қадар 102 нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлса, жорий йилнинг шу санасигача кўрсаткич 113 нафарни ташкил этди. Бунинг асосий сабабларидан бири олий таълим даргоҳида талабаларнинг жаҳон андозалари бўйича билим олишлари учун янгидан-янги

ҚИШЛОҚДАГИ ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР

танлаган касбимга ишончимни янада мустаҳкамлади, — дейди Фиждувон туманидан келган абитуриент Махлиё НАЗАРОВА

имкониятлар яратиб берилаётгани, шунингдек, бу ерда академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари билан касбга йўналтириш ишлари йил давомида узлуксиз тарзда олиб борилаётганидир.

— Мазкур институт таълим йўналишлари, профессор-ўқитувчилари салоҳияти билан яқиндан танишман, — дейди

Қашқадарё вилояти Яқкабоғ туманидаги 59-умумтаълим мактаби битирувчиси Дилшода Мелиева. — Дилноза опам шу ўқув даргоҳида таълим олган. Ҳозир у битирган мутахассислиги бўйича туман марказида ишлаяпти. Мен ҳам опамга ҳавас қилиб, «Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш» таълим йўналишида ўқимоқчиман. Суҳбатимизга

ижодий имтиҳонлар дастури ва баҳолаш мезонлари билан танишаётган йигит-қизлар ҳам қўшилишди. Ташкент кино-видеотехника касб-хунар коллежи битирувчиси Шерзод Фуломов шаҳар қурилиши ва хўжалиги, Республика рассомлик коллежи битирувчиси Дилноза Турсунметова дизайн таълим йўналишларига ҳужжатларини топширганини, келажакда ушбу олий ўқув юртини тугатиб, соҳаси бўйича етук мутахассис бўлишни орзулаётганини баён этишди. Бухоро вилоятининг Фиждувон туманидан келган абитуриент Махлиё Назарова эса орзу-мақсадларини шундай ифодалади.

— Юртбошимиз ташаббуси билан замонавий лойи-


ҳалар асосида қишлоқларда қурилаётган уй-жойлар кишининг ҳавасини келтиради. Қувонарлиси, бундай ўзига хос дизайнга эга янги уйлар қуриш ишлари йил сайин кўпайиб бориши тайин. Шу боис ҳужжатларимни янги йўналиш — қишлоқ қурилишини лойиҳалаш таълим йўналишига топширдим.

Ташкент архитектура-қурилиш институтига ҳужжат топшираётган ёшлар билан суҳбатлашиб, уларда ўзига хос мустақил фикр, танлаган йўлида қатъий борлигини яққол ҳис этасиз.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Суратларда: қабул жараёнидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗО олган суратлар.



ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

Тендер номи: 2010 йилда умумтаълим мактаблари учун электрон ахборот-таълим ресурслари (электрон дарсликлар, мультимедиа электрон ахборот-таълим ресурслари) яратиш.

Тендер №: XTV-EATR 01/2010

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги "Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 456-сонли қарори талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда умумтаълим мактаблари учун электрон ахборот-таълим ресурслари (электрон дарсликлар, мультимедиа электрон ахборот-таълим ресурслари)ни тендер савдолари ўтказиш орқали яратиши:

1.	Инглиз тили	5-синф учун электрон дарслик		тилидаги мактаблар учун)	8-синф учун электрон дарслик
2.	Немис тили «Deutsch!»	5-синф учун электрон дарслик	18.	Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	8-синф учун электрон дарслик
3.	Француз тили	5-синф учун электрон дарслик	19.	Адабиёт (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун)	8-синф учун электрон дарслик
4.	Рус тили (таълим ўзбек ва қардош тиллардаги мактаблар учун)	6-синф учун электрон дарслик	20.	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	8-синф учун электрон дарслик
5.	Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	6-синф учун электрон дарслик	21.	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	8-синф учун электрон дарслик
6.	Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	6-синф учун электрон дарслик	22.	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	8-синф учун электрон дарслик
7.	Адабиёт (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун)	6-синф учун электрон дарслик	23.	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	8-синф учун электрон дарслик
8.	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	6-синф учун электрон дарслик	24.	Ўзбек тили (таълим рус ва қардош тиллардаги мактаблар учун)	9-синф учун электрон дарслик
9.	Француз тили	6-синф учун электрон дарслик	25.	Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	9-синф учун электрон дарслик
10.	Рус тили (таълим ўзбек ва қардош тиллардаги мактаблар учун)	7-синф учун электрон дарслик	26.	Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	9-синф учун электрон дарслик
11.	Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	7-синф учун электрон дарслик	27.	Адабиёт (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун)	9-синф учун электрон дарслик
12.	Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	7-синф учун электрон дарслик	28.	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	9-синф учун электрон дарслик
13.	Адабиёт (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун)	7-синф учун электрон дарслик	29.	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	9-синф учун электрон дарслик
14.	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	7-синф учун электрон дарслик	30.	Конституциявий ҳуқуқ асослари	9-синф учун электрон дарслик
15.	Француз тили «Bon voyage»	7-синф учун электрон дарслик	31.	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	9-синф учун электрон дарслик
16.	Рус тили (таълим ўзбек ва қардош тиллардаги мактаблар учун)	8-синф учун электрон дарслик			
17.	Рус тили (таълим рус				

Тендер электрон ахборот-таълим ресурслари (электрон дарсликлар, мультимедиа электрон ахборот-таълим ресурслари)ни арзон ва сифатли ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари — мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очиқ кўринишда ўтказилади.

Тендер бошлангунга қадар Тендер комиссияси ёки тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар малакали танловдан ўтказилади. Шунинг учун талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома;
- талабгорнинг қайта ташкил этиш ёки тугатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатга олиш идорасидан маълумотнома;
- талабгорнинг юридик шахс эканлиги ва соҳага оид фаолият билан шуғулланиши тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал идоралар томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;
- талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси;

Талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Дарсликлар ва ўқув методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлиmidан қўшимча маълумот ва аниқлаштирилган максимал нарх тўғрисидаги маълумотларни олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг охириг кунига қадар ҳар кун (якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9:00 дан 17:00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Дарсликлар ва ўқув методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлими

Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. 3-қават, 319-хона

Телефон: (+998 71) 239-40-81, Факс: (+998 71) 239-40-83

Халқ таълими вазирлигининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 300 000 (уч юз минг) сўм миқдоридagi қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Тендер ҳужжатлари олинади:

Махсус ҳисоб рақами №: 20203000100101044002,

АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали, МФО: 00423, ИНН: 201122808.

Тендер таклифи умумий қийматининг 2 % миқдоридagi закат билан таклиф кафолатланиши шарт. Закат суммаси ҳар бир пакетлар (маҳсулотлар) учун алоҳида Халқ таълими вазирлигининг юқоридаги махсус рақамига ўтказилиши керак.

Тендер таклифлари 2010 йил 2 август соат 15:00 га қадар ишчи орган манзилига топширилиши керак.

Болаларга ёнғин содир бўлишининг олдини олиш ҳақида тушунча бериш, улар ўртасида профилактика ишларини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Бунда таълим муассасаларида олиб бориладиган тарғибот ишларининг ўрни катта. Шу мақсадда, Фуқаро муҳофазаси институтининг "Аҳоли ва ҳудудларни фавқуллодда вазиятлардан муҳофаза қилиш" кафедраси ходимлари томонидан Чилонзор туманидаги 4-махсус мактаб-интернатда учрашув ўтказилди.

Учрашувда илм маскани директори Ш. Аҳмедова "Ҳаёт

МАШҒУЛОТ АМАЛИЁТГА БОЙ БЎЛДИ

хавфсизлиги асослари" фани бўйича мунтазам машғулотлар ўтказиб борилишини ва мутахассислар томонидан ўқувчилар иштирокидаги амалий машғулотлар катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Институт ходимлари томонидан болаларга оддий ёнғин хавфсизлиги қоидалари, бирламчи ўт ўчириш воситалари, улардан фойдаланиш тартиблари тўғрисида тушунча берилди. Ўқувчиларнинг фуқаро муҳофазаси бўйича олаётган билим ва кўник-

Ta'kid

малари ҳаётда асқотиши уқтирилди.

Институт ўқитувчилари аввало ўт ўчиргич ўзи нима, деган савол қўйиб, ўқувчилар билан савол-жавоб тариқасида машғулот олиб боришди. Ўқувчилар ушбу бирламчи воситани ўт ўчирувчилар етиб келгунига қадар ёнғинни ўчиришда ишлатиш, ундан ўз вақтида ва тўғри фойдалана билишга доир

амалий кўникмага эга бўлдилар.

Таълим муассасаларида фавқуллодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш амалиётлари машқ қилиб борилиши зарур. Шу мақсадда ёнғин содир бўлганда мактаб ўқувчиларини хавфсиз жойга кўчириш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилди. Унда кучли зилзила юз бериб, бинолар сезиларли шикастланса, мактаб ва боғчаларда ҳам болаларни очиқ жойларга барча эҳтиёт чораларни



кўриб олиб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Рихсивой СОБИРОВ,
Назокатхон САИДХОНОВА,
Фуқаро муҳофазаси
институтини ўқитувчилари



курсантларга имтиёзли дипломларни Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов топширди. Тадбирда сўзга чиққанлар эса мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимига малакали, етук кадрларни етказиб бериш, уларни Ватанамиз, халқимиз осойишталигини таъминлашда Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабининг ўзига хос ўрни борлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Ёнгин хавфсизлиги бугунги кунда энг аҳамиятли соҳалардан бири бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикаси «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши соҳани дав-

Qutlug' ostona

парварлик хислатларини ўрганиб, мутахассислик дипломи ва лейтенант ҳарбий унвонига эга бўлди, — дейди тадбирда сўзга чиққан битирувчи Соҳиб Султонов. — Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда шуни эътироф этиб ўтишни хоҳлардимки, малакали мутахассис бўлишимизга авваламбор жаҳон талаблари даражасидаги миллий кадрларни тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишларни мисол қилиб кўрсатсак бўлади. Биз бу даргоҳда олган билим ва кўникмаларимизни оқлаб, хушёрлик ва сергаклик билан Ва-

ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ МУСТАҲКАМ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ихтисослик йўналишлари бўйича Марказий Осиёда ягона олий таълим даргоҳларидандир. Унда нафақат республикамиз, балки хорижий мамлакатлардан келиб, халқаро иқтисодиёт, халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ ихтисосликлари бўйича таҳсил олаётган ёшлар етук мутахассис кадрлар бўлиб етишмоқда.

Халқаро алоқаларни ривожлантириш, уларнинг ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот ишларига самарали ва ижобий таъсирини таъминлаш, илғор хорижий ўқув юртлари ва илмий масканлар билан ҳамкорликни амалга ошириш борасида университетда бой тажриба тўпланган.

Куни кеча мазкур университетда 2010 йилда ушбу олий таълим муассасасини тугатаётган жами 261 нафар, жумладан 203 нафар бакалавр

ҳамда 58 нафар магистрларга тантанали равишда дипломлар топширилди.

Тадбирда фарзандларининг диплом топшириш маросимига ташриф буюрган меҳмонлар, оналар ҳам ўз дил изҳорларини баён қилишди.

Унда магистр ва бакалаврлар ҳам сўзга чиқиб, университетда уларга яратиб берилган муносиб шарт-шароитлар, устоз-мураббийларининг берган билимлари учун самимий миннатдорлигини изҳор этдилар. Этиборлиси, уларнинг келажакда юртимизнинг халқаро доирадаги обрў-эътиборини оширишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш мақсадидаги бугунги интилишлариёқ барчанинг қалбида истиқболга ишонч ҳиссини мустаҳкамлади.

Мархабо СОБИРОВА, ЖИДУ доценти, фалсафа фанлари номзоди

«ВАТАНИМИЗ, ХАЛҚИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҲИССА ҚўШАМИЗ»

Ички ишлар вазири Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби битирувчиларига лейтенант ҳарбий унвони, диплом ва кўкрак нишонларини тантанали топшириш тадбири бўлиб ўтди. Тантананага Ўзбекистон Ички ишлар вазири раҳбарияти ва жамоаси, Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби профессор-ўқитувчилари, битирувчиларнинг ота-оналари ва фахрийлар ташриф буюришди.

Бугунги битирувчилар 5 йил олдин шу даргоҳ остонасига қадам қўяр экан, келгусида чуқур билим олиб, Ватанамизга, халқимизга, ота-онам ва яқинларимизга фойдаси тегадиган инсон бўлиб етишаман, деб ният қилганлари ҳақиқат. Ўтган давр мобайнида курсантларнинг иродалари тобланиб, ҳаётий қарашлари мукамал шаклланиб, Ватан ҳимояси йўлида доим тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топишди.

Энди улар касбий маҳорат, бой билим ва тажриба берган устозлари, ҳаётида ўзига хос бурилиш ясаган таълим даргоҳи билан хайрлашар экан, ўрганганларининг барчасини халқ хавфсизлиги ва тинчлиги, осойишталиги йўлида қўллашга тайёр турганлиги қувонарлидир.

Битирув маросимини Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Д.Исроилов кириш сўзи билан очиб, лейтенантларнинг масъулиятли бурчи ҳақида гапириб ўтди, битирувчиларнинг келажакда ўз фаолиятини юртишида муваффақиятлар ёр бўлишини тилади. Шунингдек, меҳмонлар ва фахрийлар ҳам битирувчиларни табриклашди.

Шундан сўнг битирувчиларга лейтенант ҳарбий унвони, дипломлар ва кўкрак нишонлари топширилди. Мактабни аъло баҳоларга тугатган



лат миқёсида ривожлантириш асосий вазифалардан эканлигини ифода қилади. Мамлакатимизнинг шаҳар ва туманларида, аҳоли пунктларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларга катта эътибор қаратилмоқда. Ана шундай шароитда соҳадаги кадрлар фаолиятини ривожлантириш талаб қилинади.

— Бугун биз бу даргоҳда ўз устоз ва мураббийларимиздан касбимизга оид билимларни, бурчга садоқат ва ватан-

тан осойишталигини таъминлаш учун куч-ғайратимизни аямасдан хизмат қилишга доим тайёрмиз.

Шунингдек, аъло баҳолар ва намунали хулқлари билан ибрат кўрсатган битирувчиларнинг ота-оналарига «Миннатдорчилик хатлари» топширилди. Битирув маросимига ташриф буюрган ота-оналар ўз фарзандларининг камоллини кўрар экан, кўнгиллари ифтихорга тўлди.

Санобар ЖУМАНОВА, «Ma'rifat» мухбири

БОЛАЛАРГА — КОМПЬЮТЕР ЖАМЛАМАЛАРИ

Республика «Маҳалла» жамғармаси Жиззах вилояти бўлими томонидан имконияти чекланган ва уй шароитида ўқишга жалб қилинган 13 нафар ўғил-қизга компьютер жамламалари тақдим этилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган мазкур хайрли тадбир ногирон болаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларни фаол ҳаётга жалб этиш мақсадларига хизмат қилади.

— Уйда таълим олишга жалб қилинган ўқувчиларни «ZiyoNet» тармоғига уланган компьютер ва мультимедиа дастурлари билан таъминлаш масофадан туриб ўқитиш имконини беради, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раисининг ўринбосари Шамсиддин Жўраев. — Шаҳар ва туман ҳокимликлари, халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда эҳтиёжманд болаларга қулайликлар яратишдек эзгу ишлар давом этмоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири

Сир эмаски, ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши ёшларнинг интилиши, ҳаракати, ўз ўрнини белгилаш даражасига боғлиқ. Шу маънода мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим олишлари, хунар эгаллашлари учун зарур барча шарт-шароитлар яратилди. 2010 йилнинг Президентимиз ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ҳамда шу асосда Давлат дастурининг қабул қилиниши, бу борадаги муҳим ислохотларнинг манتيқий давоми бўлди.

Халқимизнинг: «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган ибратомуз нақли бор. Бу бежиз айтилмаган, болаларни эътибори-

ЁШЛАР МАНФААТИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

миздан четда қолдириш ҳар хил кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айниқса, ҳозирги ёзги таътил вақтида уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишига ёрдам беришимиз даркор. Зотан, вояга етмаган ўспиринларнинг тунда интернет-кафеларда, кўнгилочар масканларида юришлари турли безориликларни келтириб чиқаради. Ана шундай ноқонуний хатти-ҳаракатларни тартибга солиш мақсадида яқинда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни парламентимиз томонидан қабул қилинди ва Прези-

Fikr



дентимиз томонидан имзоланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, вояга етмаган боланинг ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатуви-сиз ресторан, кафе, бар, клуб, дискотека, кинотеатр

кинозалари, Интернет хоналари ёхуд бошқа кўнгилочар жойларда ҳозир бўлишига йўл қўйилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Бу қонуннинг ижросини таъминлашда, айтиш жоизки, ҳар биримиз масъул бўлишимиз керак. Айниқса, ёшлар ташкилоти, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, маҳаллалар, таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш ва шу орқали қўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Қисқача айтганда, мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш ва шу асосда ҳар бир ёшда янги тафаккурни шакллантиришда уларни қамқоқликка элтвучи — соғлом фикр, юксак онг ва маданиятни қарор топтириш йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқдаки, бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Энг муҳими, уларга берилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик ёшларни ўз ишига фидойилик билан ёндашишга ўргатмоқда. Уларнинг ҳар бир соҳадаги фаолиги истиқболимизни белгилаб берадиган омилдир.

Фазлиддин ОТАЕВ, Китоб тумани прокурори ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим мактабларига 2006, 2008 ва 2009 йилларда берилган дарсликларини 2010 йилда утилизацияга топшириш рўйхати

Т/р	Дарслик номи	Муаллиф	Синф	Таълим тили	Чоп этилган йили	Т/р	Дарслик номи	Муаллиф	Синф	Таълим тили	Чоп этилган йили
1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова и др.	8	Рус	2006	9	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	8	Тожиқ	2006
2	Русский язык	В.Зеленина и др.	8	Рус	2006	10	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	8	Тожиқ	2006
3	Литература (1-2-част)	И.П.Варфоломеев.	8	Рус	2006	11	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	8	Тожиқ	2006
4	Английский язык «Fly High English»	Л.Жураев и др.	8	Рус	2006	12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	8	Тожиқ	2006
5	Немецкий язык «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова и др.	8	Рус		13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	8	Тожиқ	2006
6	Инглиз тили (English Matters)	У.Ли ва б.	8	Рус	2006	14	Геометрия	А.Раҳимқориев	8	Тожиқ	2006
7	Французский язык «Le nouveau voyage en France»	З.Абдушукурова и др.	8	Рус	2006	15	Физика	Н.Турдиев ва б.	8	Тожиқ	2006
8	История Узбекистана	Қ.Усмонов и др.	8	Рус	2006	16	Кимё	И.Асқаров ва б.	8	Тожиқ	2006
9	Всемирная история	У.Жураев и др.	8	Рус	2006	17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	8	Тожиқ	2006
10	Основы государства и права Узбекистана	О.Каримова и др.	8	Рус	2006	18	География	П.Мусаев ва б.	8	Тожиқ	2006
11	Основы экономических знаний	Э.Сариков и др.	8	Рус	2006	19	Чизмачилик	А.Умронхўжаев	8	Тожиқ	2006
12	Алгебра	Ш.Алимов и др.	8	Рус	2006	1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	8	Қирғиз	2006
13	Геометрия	А.Раҳимқориев и др.	8	Рус	2006	2	Қирғиз тили (Қирғиз тили)	Б.Ўмуралиев ва б.	8	Қирғиз	2006
14	Физика	Н.Турдиев ва б.	8	Рус	2006	3	Адабиёт (Адабият)	М.Парпиев ва б.	8	Қирғиз	2006
15	Химия	И.Асқаров и др.	8	Рус	2006	4	Инглиз тили (English Matters)	У.Ли ва б.	8	Қирғиз	2006
16	Человек и его здоровье	Б.Аминов и др.	8	Рус	2006	5	Русский язык	Р.Толипова ва б.	8	Қирғиз	2006
17	География	П. Мусаев и др.	8	Рус	2006	6	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	8	Қирғиз	2006
18	Черчение	А.Умронхўжаев	8	Рус	2006	7	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	8	Қирғиз	2006
1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	8	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	8	Қирғиз	2006
2	Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili)	М.Даулетов ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	9	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	8	Қирғиз	2006
	Адабиёт (A'debiyat)	К.Мамбетов ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	10	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	8	Қирғиз	2006
3	Инглиз тили (English Matters)	У.Ли ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	11	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	8	Қирғиз	2006
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	8	Қирғиз	2006
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	8	Қирғиз	2006
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	14	Геометрия	А.Раҳимқориев	8	Қирғиз	2006
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	15	Физика	Н.Турдиев ва б.	8	Қирғиз	2006
8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	16	Кимё	И.Асқаров ва б.	8	Қирғиз	2006
9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	8	Қирғиз	2006
10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	18	География	П.Мусаев ва б.	8	Қирғиз	2006
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	19	Чизмачилик	А.Умронхўжаев	8	Қирғиз	2006
12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	8	Туркман	2006
13	Геометрия	А.Раҳимқориев	8	Қорақалпоқ	2006	2	Туркман тили (Turkmen dili)	Х.Аразқиличева ва б.	8	Туркман	2006
14	Физика	Н.Турдиев ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	3	Адабиёт (Edebiyat)	Н.Курбонбердиев ва б.	8	Туркман	2006
15	Кимё	И.Асқаров ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	4	Инглиз тили (English Matters)	У.Ли ва б.	8	Туркман	2006
16	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	5	Русский язык	Р.Толипова ва б.	8	Туркман	2006
17	География	П.Мусаев ва б.	8	Қорақалпоқ	2006	6	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	8	Туркман	2006
18	Чизмачилик	А.Умронхўжаев	8	Қорақалпоқ	2006	7	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	8	Туркман	2006
1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	8	Қозоқ	2006	8	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	8	Туркман	2006
2	Она тили (Қазақ тілі)	Д.Айтбаев ва б.	8	Қозоқ	2006	9	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	8	Туркман	2006
3	Адабиёт (Адебиет)	Е.Абдувалипов ва б.	8	Қозоқ	2006	10	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	8	Туркман	2006
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	8	Қозоқ	2006	11	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	8	Туркман	2006
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	8	Қозоқ	2006	12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	8	Туркман	2006
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	8	Қозоқ		13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	8	Туркман	2006
7	Инглиз тили (English Matters)	У.Ли ва б.	8	Қозоқ	2006	14	Геометрия	А.Раҳимқориев	8	Туркман	2006
8	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	8	Қозоқ	2006	15	Физика	Н.Турдиев	8	Туркман	2006
9	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	8	Қозоқ	2006	16	Кимё	И.Асқаров ва б.	8	Туркман	2006
10	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	8	Қозоқ	2006	17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	8	Туркман	2006
11	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	8	Қозоқ	2006	18	География	П.Мусаев ва б.	8	Туркман	2006
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	8	Қозоқ	2006	19	Чизмачилик	А.Умронхўжаев	8	Туркман	2006
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	8	Қозоқ	2006	1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	9	Ўзбек	2006
14	Геометрия	А.Раҳимқориев	8	Қозоқ	2006	2	Адабиёт	Қ.Йўлдошев ва б.	9	Ўзбек	2006
15	Физика	Н.Турдиев ва б.	8	Қозоқ	2006	3	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	9	Ўзбек	2006
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	8	Қозоқ	2006	4	Инглиз тили «Fly High English»	А.Жўраев ва б.	9	Ўзбек	2006
17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	8	Қозоқ	2006	5	Инглиз тили (English Matters)	Н.Гоголицина ва б.	9	Ўзбек	2006
18	География	П.Мусаев ва б.	8	Қозоқ	2006	6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	9	Ўзбек	2006
19	Чизмачилик	А.Умронхўжаев	8	Қозоқ	2006	7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	А.Носиров ва б.	9	Ўзбек	2006
1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	8	Тожиқ	2006	8	Ўзбекистон тарихи	Г.Хидоятлов ва б.	9	Ўзбек	2006
2	Тожиқ тили (Забони тоҷики)	Т.Чориев ва б.	8	Тожиқ	2006	9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	9	Ўзбек	2006
3	Адабиёт (Эдабиёт)	А.Қамарзода ва б.	8	Тожиқ	2006	10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбоева ва б.	9	Ўзбек	2006
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	8	Тожиқ	2006	11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	9	Ўзбек	2006
5	Инглиз тили (English Matters)	У.Ли ва б.	8	Тожиқ	2006	12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	9	Ўзбек	2006
6	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	8	Тожиқ	2006	13	Геометрия	Б.Хайдаров ва б.	9	Ўзбек	2006
7	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	8	Тожиқ	2006	14	Физика	Н.Турдиев ва б.	9	Ўзбек	2006
8	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	8	Тожиқ	2006						

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим мактабларига 2006, 2008 ва 2009 йилларда берилган дарсликларини 2010 йилда утилизацияга топшириш рўйхати

Т/р	Дарслик номи	Муаллиф	Синф	Таълим тили	Чоп этилган йили
15	Кимё	И.Асқаров ва б.	9	Ўзбек	2006
16	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	9	Ўзбек	2006
17	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	9	Ўзбек	2006
18	Чизмачилик	А.Умархўжаев	9	Ўзбек	2006
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	9	Рус	2006
2	Русский язык	В.Зеленина и др.	9	Рус	2006
3	Литература (1,2 часть)	Г.Гарипова и др.	9	Рус	2006
4	Инглиз тили (English Matters)	У.Ли ва б.	9	Рус	2006
5	Английский язык «Fly High English»	Л.Жураев ва б.	9	Рус	2006
6	Французский язык «D'un Etat a l'autre»	А.Раҳмонов ва б.	9	Рус	2006
7	Немецкий язык «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	9	Рус	2006
8	История Узбекистана	Г.Хидоятлов	9	Рус	2006
9	Всемирная история	М.Лафасов и др.	9	Рус	2006
10	Основы конституционного права	В.Костецкий и др.	9	Рус	2006
11	Основы экономических знаний	Э.Сариков и др.	9	Рус	2006
12	Алгебра	Ш.Алимов и др.	9	Рус	2006
13	Геометрия	Б.Хайдаров и др.	9	Рус	2006
14	Физика	Н.Турдиев ва б.	9	Рус	2006
15	Химия	И.Асқаров и др.	9	Рус	2006
16	Биология. Основы цитологии и генетики	А.Зикиряев и др.	9	Рус	2006
17	Экономическая и социальная география мира	А.Қаюмов и др.	9	Рус	2006
18	Черчение	А.Умронхўжаев	9	Рус	2006
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	9	Қорақалпоқ	2006
2	Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili)	М.Даулетов ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
3	Адабиёт (A'debiyat)	Т.Мамбетниязов ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жураев ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
8	Инглиз тили (English Matters)	Н.Гоголицина	9	Қорақалпоқ	2006
9	Ўзбекистон тарихи	Г.Хидоятлов	9	Қорақалпоқ	2006
10	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
11	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбоева ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
14	Геометрия	Б.Хайдаров ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
15	Физика	Н.Турдиев	9	Қорақалпоқ	2006
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	9	Қорақалпоқ	2006
19	Чизмачилик	А.Умронхўжаев	9	Қорақалпоқ	2006
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	9	Қозоқ	2006
2	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	С.Аманжолов ва б.	9	Қозоқ	2006
3	Адабиёт (Әдебиет)	Қ.Жумалиев ва б.	9	Қозоқ	2006
4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	9	Қозоқ	2006
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жураев ва б.	9	Қозоқ	2006
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	9	Қозоқ	2006
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	9	Қозоқ	2006
8	Ўзбекистон тарихи	Г.Хидоятлов	9	Қозоқ	2006
9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	9	Қозоқ	2006
10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	9	Қозоқ	2006
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	9	Қозоқ	2006
12	Инглиз тили (English Matters)	Н.Гоголицина	9	Қозоқ	2006
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	9	Қозоқ	2006
14	Геометрия	Б.Хайдаров ва б.	9	Қозоқ	2006
15	Физика	Н.Турдиев ва б.	9	Қозоқ	2006
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	9	Қозоқ	2006

Т/р	Дарслик номи	Муаллиф	Синф	Таълим тили	Чоп этилган йили
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	9	Қозоқ	2006
18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	9	Қозоқ	2006
19	Чизмачилик	А.Умронхўжаев	9	Қозоқ	2006
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	9	Тожиқ	2006
2	Тожиқ тили (Забони тоҷикӣ)	М.Кабилов ва б.	9	Тожиқ	2006
3	Адабиёт (Адабиёт)	Ж.Ҳамроев	9	Тожиқ	2006
4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	9	Тожиқ	2006
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жураев ва б.	9	Тожиқ	2006
6	Инглиз тили «English Matters»	Н.Гоголицина ва б.	9	Тожиқ	2006
7	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	9	Тожиқ	2006
8	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	9	Тожиқ	2006
9	Ўзбекистон тарихи	Г.Хидоятлов	9	Тожиқ	2006
10	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	9	Тожиқ	2006
11	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	9	Тожиқ	2006
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	9	Тожиқ	2006
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	9	Тожиқ	2006
14	Геометрия	Б.Хайдаров ва б.	9	Тожиқ	2006
15	Физика	Н.Турдиев ва б.	9	Тожиқ	2006
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	9	Тожиқ	2006
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	9	Тожиқ	2006
18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	9	Тожиқ	2006
19	Чизмачилик	А.Умронхўжаев	9	Тожиқ	2006
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	9	Қирғиз	2006
2	Қирғиз тили (Кыргыз тили)	Б.Ўмуралиев ва б.	9	Қирғиз	2006
3	Адабиёт (Адабият)	М.Парлиев ва б.	9	Қирғиз	2006
4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	9	Қирғиз	2006
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жураев ва б.	9	Қирғиз	2006
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	9	Қирғиз	2006
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	9	Қирғиз	2006
8	Инглиз тили «English Matters»	Н.Гоголицина	9	Қирғиз	2006
9	Ўзбекистон тарихи	Г.Хидоятлов ва б.	9	Қирғиз	2006
10	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	9	Қирғиз	2006
11	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	9	Қирғиз	2006
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	9	Қирғиз	2006
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	9	Қирғиз	2006
14	Геометрия	Б.Хайдаров ва б.	9	Қирғиз	2006
15	Физика	Н.Турдиев ва б.	9	Қирғиз	2006
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	9	Қирғиз	2006
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	9	Қирғиз	2006
18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	9	Қирғиз	2006
19	Чизмачилик	А.Умронхўжаев	9	Қирғиз	2006
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	9	Туркман	2006
2	Туркман тили (Turkmen dili)	И.Аразов ва б.	9	Туркман	2006
3	Адабиёт (Edebiyat)	Г.Велбегов ва б.	9	Туркман	2006
4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	9	Туркман	2006
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жураев	9	Туркман	2006
6	Инглиз тили «English Matters»	Н.Гоголицина	9	Туркман	2006
7	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	9	Туркман	2006
8	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	А.Носиров ва б.	9	Туркман	2006
9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	9	Туркман	2006
10	Ўзбекистон тарихи	Г.Хидоятлов	9	Туркман	2006
11	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбоева ва б.	9	Туркман	2006
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	9	Туркман	2006
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	9	Туркман	2006
14	Геометрия	Б.Хайдаров ва б.	9	Туркман	2006
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	9	Туркман	2006
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	9	Туркман	2006
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	9	Туркман	2006
18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	9	Туркман	2006
19	Чизмачилик	А.Умронхўжаев	9	Туркман	2006

Э Ў Л О Н

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Ўқувтаълимтаъминот" Давлат унитар корхонаси (келгусида "Буюртмачи") Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2010-2011 ўқув йилида кам таъминланган оилаларнинг 1—9 синфларида ўқийдиган фарзандларига бериладиган қишги кийим-бошларни қадоқлаш учун целофан қадоқлаш сумкаларини харид қилиш бўйича тендер савдолари эълон қилди.

Тендер савдоларида харид қилинадиган маҳсулотнинг миқдори ва юқори баҳоси

T/P	Харид қилинадиган маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Харид қилинадиган бир дона маҳсулотнинг юқори баҳоси (сўмда)
1	Целофан қадоқлаш сумкаси	дона	648 904	539 сўм

Мазкур тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда мулкчилик шаклидан қатъий назар, целофан қадоқлаш сумкаларини буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда маҳсулот етказиб бериш имкониятига эга барча юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар: тугатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар; ўз муддатида ва ўрнатилган тартибда саралаш босқичи учун керакли бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

буюртмачи, унинг ҳудудий филиаллари билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар ва бажармай келаётганлар;

мазкур эълон нашр этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам муддат ичида ташкил топган корхона ва ташкилотлар;

буюртмачи, унинг ҳудудий филиаллари билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунига қадар, Тендер комиссияси топширигига асосан Тендер комиссияси Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар саралаш босқичидан (квалификационный отбор) ўтказилади.

Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органга тендер таклифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида папкада (жилда) тақдим этишлари лозим:

маҳаллий монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларидан талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома; маҳаллий Давлат рўйхатида олувчи органлардан талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув-далолатномасининг асл нусхаси (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорнинг асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг ИНН рақами кўрсатилган бўлиши шарт.

Саралаш босқичи тендер таклифларини қабул қилишнинг охиригидан санадан бошлаб 10 кун муддат ичида ўтказилиши кўзда тутилади.

Тендер савдоларида голиб деб топилган корхона ва ташкилотлар "Буюртмачи" билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддатлар ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақида қўшимча маълумот олиш истагида бўлган талабгорлар, Тендер комиссиясининг Ишчи органи ҳисобланган "Ўқувтаълимтаъминот" ДУКга эълон нашр қилинган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 10:00дан 17:00га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Ишчи орган манзилгоҳи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй. Тел: (8-3712) 267-01-83; 267-74-50; 267-28-70. Факс: (8-3712) 267-71-16.

Тендер ҳужжатини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар Ишчи органининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига **600 000** (олти юз минг) сўм миқдоридан қайта қопланмайдиган пул маблағларини пул ўтказиш йўли билан тўлаганларидан сўнг олишлари мумкин:

Ишчи орган банк реквизитлари: ҳисоб рақами № 20210000700101561002 АТИБ "Ипотека" банки, Меҳнат бўлими, МФО: 00423 ИНН 200524742, ОКОНХ 71100.

Барча тендер таклифлари Тендер ҳужжатининг 12.1-бандида кўрсатилган миқдордаги закат суммаси билан бириктирилган бўлиши шарт. Закат суммаси тендер таклифларини топширишнинг охиригидан қунигача ўтказилган бўлиши талаб қилинади.

Тендер таклифлари 2010 йил 2 август соат 15:00дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича Ишчи органига тақдим этилиши лозим (шанба ва якшанба кунларидан ташқари).

Тендер таклифлари (конвертлар)нинг очилиши Тендер комиссияси томонидан аниқланган жойда ва санада амалга оширилади. Бу ҳақида талабгорга Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан қўшимча хабар қилинади.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИНИНГ 2010-2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА БАКАЛАВРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ (МУТАХАССИСЛИКЛАР) ВА ЎҚИШ ТИЛЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ

Тест коди	Таълим коди	Олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари (мутахассисликлари)	Жами	Давлат гранти	Тўлов контракт
				Жами	Жами
5140900 Касб таълим:					
X182	5140924	Касб таълим: дизайни	16	6	10
X150	5140908	Касб таълим: ранг-тасвир	9	4	5
5210200 Санъатшунослик:					
X150	5210205	Санъатшунослик: тасвирий ва амалий санъат	25	10	15
X150	5210206	Санъатшунослик: музейшунослик	25	10	15
5210800 Ранг-тасвир:					
X150	5210801	Ранг-тасвир: дастгоҳли ранг-тасвир	18	8	10
X150	5210802	Ранг-тасвир: маҳобатли ранг-тасвир	16	8	8
X150	5210805	Ранг-тасвир: театр безаги ранг-тасвир	8	4	4
X150	5210804	Ранг-тасвир: фильмнинг тасвирий ечими	8	4	4
5210900 Дизайн:					
X150	5210903	Дизайн: компьютер графикаси ва бадий фото	9	4	5
X150	5210901	Дизайн: реклама ва амалий графика	9	4	5
X182	5210902	Дизайн: интерьерни лойиҳалаш	10	5	5
X182	5210904	Дизайн: либослар дизайни	17	7	10
5211000 Графика:					
X150	5211001	Графика: дастгоҳ ва китоб графикаси	14	6	8
X150	5211002	Графика: хаттотлик ва миниатюра	11	4	7
X150	5211100	Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)	20	5	15
5211200 Амалий санъат:					
X150	5211201	Амалий санъат: бадий кулчилик	7	2	5
X150	5211202	Амалий санъат: меъморий ёд-горликлар безагини таъмирлаш	7	2	5
X150	5211203	Амалий санъат: амалий санъат асарларини таъмирлаш	6	1	5
Жами			235	94	141

2010-2011 ўқув йили учун қабул ҳайъатига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати Бакалавр

1. Ректор номига ариза.
2. Аттестатнинг ёки дипломнинг асл нусхаси
3. Фото сурат 3,5x4,5 ҳажмда 10 дона.
4. Паспорт (2 дона паспорт нусхаси)
5. Тиббий маълумотнома 086-У форма.
6. Ҳарбий гувоҳнома (18 ёшдан ошган бўлса вақтинча ҳарбий хизматдан қолдирилганлиги ҳақида маълумотнома муҳри билан).
7. Бир дона папка ва конверт.
8. Танлов ҳайъатига ижодий ишлардан намуналар (5-10 дона).
Ҳужжатлар 20 июндан 20 июл соат 18-00гача қабул қилинади.

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИНИНГ 2010-2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА МАГИСТРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ МУТАХАССИСЛИКЛАР ВА ЎҚИШ ТИЛЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ

Шифр	Мутахассисликлар номи	Жами	Давлат гранти	Тўлов контракт
			Жами	Жами
5A210204	Тасвирий ва манзарали амалий санъат	6	1	5
5A210206	Музейшунослик: консервация ва бадий бойликларни сақлаш	6	1	5
5A210802	Маҳобатли ранг-тасвир	6	1	5
5A210903	Интерьерни лойиҳалаш	6	1	5
5A210906	Либослар дизайни ва газламалар бадий ечими	6	1	5
5A211203	Амалий санъат асарларини таъмирлаш	6	1	5
5A210801	Дастгоҳли ранг-тасвир	9	2	7
Жами		45	8	37

2010-2011 ўқув йили учун қабул ҳайъатига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати

1. Магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда, олий таълим муассасаси ректори номига ариза;
2. Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан кўчирма-республика ОТМлардан давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унинг шловаси;
3. 3,5x4,5 ҳажмдаги 10 дона фотосурат;
4. Ҳарбий гувоҳнома (вақтинча ҳарбий хизматдан қолдирилганлиги ҳақида маълумотнома муҳри билан).
5. 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент ш. Мирзо Улуғбек тумани С.Азимов кўчаси 35-уй. Тел.: 232-17-64 (Қабул комиссияси)

Мўлжал: эски ҳайвонот боғи, В.Успенский номидаги мусиқа мактаб-интернати

Табиат — мўъжизалар ижодкори. Унинг яратувчанлиги қаршида баъзан ақлимиз шошади. Гоҳи куёш нур сочиши билан қия тошлар орасида-да бўй чўзиб, ажиб гўзаллик касб этувчи ўт-ўланлардан тортиб, насибамизни тўқис этувчи неъматларгача яшил оламнинг беқиёс тухфаларидир. Уларнинг ҳар бири ўзида инсон, унинг жисмоний, руҳий саломатлиги учун бебаҳо саналган кўплаб хусусиятларни жамлаган.

Она заминимизнинг ана шундай инъомларидан саналган анор айтиш мумкинки, донасидан пўчоғигача сихатимизни тиклаб, қувватимизга қувват қўшувчи мевалар сирасига киради. Унинг таркибида иштаха очувчи, овқат ҳазм бўлишига ижобий таъсир этувчи органик кислоталар, яъни 4 фоизгача лимон кислотаси, олма кислотаси, 21 фоизгача қанд моддаси, шунингдек, ғоятда фойдали бошқа қатор витаминлар мавжуд.

Абу Али ибн Сино анор пўстлогини қон қусишда, милк ва ичақдан қон кетганда, шунингдек, сийдик ҳайдовчи, яра ва жароҳатларга малҳам сифатида фойдаланиш мумкинлигини ёзади. Бундан ташқари, аллома анор пўстлогидан тайёрланган қайнатма ичбуруғни даволаб, гижжаларни бартараф этишда қўл келишини далиллаган.

Халқ табобатида анор пўстлоғи, меваси ва мева пўсти, шунингдек, ўсимлик гули кўтир, йўтал, гепатит касалликларини даволашда қўлланилади. Агар мева пўстлоқларининг гули сариёғ ва мол ёғлари билан яхшилаб аралаштириб суртилса, теридаги йирингли яраларнинг тузалишига ёрдам беради...

Илмий медицинада анорнинг илдиз пўстлогидан тайёрланган экстракт лентасимон гижжаларни туширишда ишлатилади. Шунингдек, пўстлоғи таркибида ошловчи, смола, бўёқ ва бошқа моддалар бор.

Газетанинг ўтган сонларида фарзандларимизнинг табиат билан ошно бўлиб улғайишлари, кўчат ўтқазиб парвариш этиш илми амалини эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида мазкур рунда бир қатор материаллар эълон қилинган эди. Бугун эса қирмизи гулларга кўмилиб, нина барг яроқлари билан боғларимизга чирой бахш этувчи, **анор**, уни етиштиришдаги нозик жиҳатлар хусусида гап боради. Сўхбатдошимиз Тошкент давлат аграр университети мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент Бахтиёр Фуломов.

— **Маълумки, анор қаламчаларидан кўпайтирилади. Бу қаламчалар қандай тайёрланиши, сақланиши, ўтқазилиши хусусида тўхталсангиз.**

— Республикаимизнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, жанубий вилоятлардан ташқари барча ҳудудларда анор қиш олдида кўмилади. Табиийки, бирваракайига шакл бериш ишлари ҳам олиб борилади. Бунда бир йиллик, ёғочланиб пишган новдаларнинг ўрта қисмидан 20-25 сантиметрлик қаламчалар тайёрланиб, навлари белгиланган ҳолда, дейлик, саксонта-юзтадан дасталаниб, махсус тайёрлаб қўйилган ўраларга кўмилади. Хўш, бу тадбир қандай амалга оширилади?

Бунда, аввало, ер сатҳидан баландроқ, сув тўпланмайдиган

ган жой танланиб, 70-80 сантиметр чуқурликда қазилади. Ўранинг ичи қуруқ бўлса, захлатиб олган маъқул. Сўнгра дасталанган қаламчалар бир қатор ётқизиблиб, устидан 5-6 сантиметр тупроқ ташланиб, яна бир қатор жамланган қаламчалар ташланади. Табиийки, пайдо бўлган тупроқ уюми устидан ёмғир, қор

УЗОҚ ГУЛЛАЙДИГАН ДАРАХТ

тўпланмай ювилиб кетади ва сув босишининг олди олинади. Ўранинг устига совуқдан сақлаш мақсадида тунука, шиферларни бостириб қўйиш мумкин. Агар қиш қуруқ келса, вақти-вақти билан ҳандақ атрофига сув солиб қўйиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Кузда қаламча тайёрлашнинг аҳамияти катта. Айрим ҳоллардагина кўкламда, яъни анор тупи устидаги тупроқ очилиб, то куртак чиқаргунча ҳам қаламча тайёрласа бўлади. Бунда анор шохларини кесиб олишда сийраклаштирилган новдалар кичик новдачалар ва тиконлардан тозаланиб, қаламчалар кесилди ва дасталаб боғланиб экилгунча қадар нам тупроққа кўмиб қўйилади. Лекин, ниҳолларнинг тутиб кетиши масаласи куз фаслида тайёрланган қаламчаларга нисбатан анча қийин кечиши мумкин.

— **Сиз айтган усул, адашмасам, кўп миқдорда қаламчалар тайёрлашга мўлжалланган. Агар оила ўз ҳовлисидаги томорқага 3-4 туп анор кўчати ўтқазилганият қилса, қаламчаларни сақлашнинг бошқа йўллари ҳам борми?**

— Албатта, бундай шароитда керагича юқоридаги тартибда кесиб олинган қаламчалар намланиб, унга ёғоч қипиқлари ёпиштирилади ҳамда плёнка ёки хўл латтага ўраб музлатгичнинг қуйи жавонларидан бирига жойлаштирилади ва вақти-вақти билан шамоллатилиб, яна худди шундай ўраб, баҳоргача шу тарзда сақласа бўлади.

— **Агар баҳор салқин келса, қаламчаларнинг новда бериш вақти чўзилиши мумкин. Бунда қандай чоратadbирлар кўрмоқ керак?**

— Март ойларининг бошларида қазиб олинган қаламчалар 25-30 сантиметр қалинликдаги янги гўнглар ташланган парникларда бир неча кун сақланса, гўнғ ўзидан иссиқлик ажратади ва қаламчаларда биологик таъсир пайдо бўлиб, бирламчи илдиз бўртмаларининг пайдо бўлиши анча тезлашади. Лекин тажрибалар бу

тадбир қўлланилмаган тақдирда ҳам 10-15 сантиметр чуқурликда, меъёрида ишлов берилиб тайёрланган майдонларга экилган қаламчалардан 95-98 фоиз ниҳол олиниши мумкинлигини исботлаган.

— **Анор иссиқсевар ўсимликлар сирасига киради. Шу нуқтаи назардан, ер танлашда нималарга эътибор бериш керак? Қаламчалар экиладиган майдон қай тарика тайёрланади?**

— Анор етиштириш учун ажратилган ер текис, суғориш учун қулай, офтоб, қуруқ ва совуқ шамоллардан ҳимояланган, тупроғи энгил ва ўртача зичлашган, унумдор, шунингдек, ноябрь, декабрь ойларида гектарига 90 килограммдан фосфор, 10-20 тонна атрофи-

Тўғри, кўчат экилган дастлабки йиллари

Qarasang, bog' unar

унинг орасига картошка, сабзи каби ўсимликларни етиштириш мумкин. Лекин ҳосилга кирган анор кўчати билан сабзавот экинларининг парвариши бир-бирига мос эмаслигини унутмаслигимиз керак.


— **Кейинги пайтлардаги иқлимнинг кескин ўзгариши, дейлик, ёзнинг иссиқ кунларида кутилмаганда шаррос ёмғир қуйиб, шамол туриши каби об-ҳавонинг «инжиқликлари», жумладан, анорга ҳам шира тушиши ёхуд бошқа зараркуналларнинг «хужум» қилиши каби вазиятларга имкон туғдираятми.**

— Бундай кезларда оқило-

сол чирмашиб ўсаётган катта анор кўчатини кўриб, тўғриси, ҳайратландим. Дарахт ҳосилни кўтаролмай гўёки эгилиб турар, ҳар донаси мисоли косадек келади анорлар гардсиз кўёшда товланиб турарди.

— Анор парваришида тўғри шакл бериб, кўмишга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади, — деди боғбон кўнглимдан кечаётган сўроқларни илғагандек. — Кўмиш олдида куриган, синган шохлар кесиб ташланиб, оддий усулда дориланса, анор қиш бўйи «маза қилиб ухлайди».

Отахоннинг кўчатларни кўмиш масаласига алоҳида



да органик ўғит солиниб, 30-35 сантиметр чуқурликда шудгорланган бўлиши керак. Айниқса, баҳор ва ёз ойларида сув билан таъминлашнинг аҳамияти каттадир.

Экиш олдида қаламчанинг пастки учи куртак қадоқ қабарик остида бироз қийшайтириб кесилса, ёш илдизчаларнинг пайдо бўлиши осонлашади. Тайёрланган қаламчалар дасталаниб, бир неча соат оқар сувга ташлаб қўйилгандан сўнггина экишга тайёр ҳисобланади. Экиб бўлингач, пушталари қорайгунча жилдиратиб сув берилади. Шунда қаламча бўғзидаги тупроқ чўкиб, зичлашади ва илдиз чиқариши осонлашади.

Об-ҳаво ва тупроқ шароитига қараб, қаламчалар ўсиш даврида 10-12 марта суғорилади ва таги юмшатилади.

— **Дейлик, кўчатимиз 3-4 йилда ҳосилга кирди. Лекин мевалари пишиб-пишмай ёрилиб кета бошлайди. Баъзи илмий манбаларда ўз вақтида йиғиштириб олинмаган ҳосилнинг шундай кўринишга кириши қайд этилган. Лекин ҳали доналарига қизиллик югуриб улгурмаган меваларда ҳам бундай ҳолатлар учрайди.**

— Ўсимликни чанқатиб, бирданга обдон бостириб суғориш, ҳавонинг кузда бир исиб, бирдан совуқ кетишидек ҳолатлар ҳали тўлиқ пишиб этилмаган меванинг ёрилиши, айни пайтда ўсимликнинг ғовлаб кетиб, меваси камайиб кетишига сабаб бўлади. Шунингдек, ҳосилга кирган анорзорлар оралатиб турли сабзавот маҳсулотларини экиш ҳам, табиийки, тез-тез суғоришни талаб этгани боис, юқоридаги сингари ҳосил сифати, ҳосилдорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

на иш кўриш билангина ризқимизни сақлаб қолишимиз мумкин. Агар ёнгиғарчилик бўлиб турсаю, яна кўчатимизни суғоришга киришсак, намлик даражасининг ортиб кетишига замин яратган бўламиз. Яхшиси, иложи борича туплар атрофининг қотиб қатқалоқ бўлишининг олдини олишимиз жоиз. Шунингдек, «Б-58», «Б-59» каби препаратлардан 10 литр сувга 1 ош қошиқ миқдорда аралаштирилиб, эрталаб ва кечқурунги салқинда сепилса, зараркуналларга қарши энг яхши восита саналади.

Лекин шунга эътибор қаратмоқ жоизки, анорнинг гуллаш жараёни ўзига хос биологик хусусиятларга эга. Яъни одатда мевалар 14-15 кун давомида гулласса, анор 1,5-2 ой ўзининг қирмизи гулларини маҳкам «тутиб» туради. Шунинг учун гулга кириш олдида ёхуд 75 фоиз гулларни тўкилгач, бу тадбир қўллангани маъқулки, гуллаётган пайтдаги дорилаш ёш гулларни куйдириши ва ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келиши мумкин.

— **Анор кўчатларини кўмишда нималарга эътибор қаратмоқ жоиз?**

— Ўзбекистон шароитида анор кеч кузда хашак, қамиш билан ёпилади ва баҳорда очилади. Кўчатлар 15-17 даража совуққа чидаса-да, изғирин 20 градусга етса, ер устки қисми, яъни танасини совуқ уриб кетади.

Сурхондарё вилоятида бўлганимда бир отахоннинг ҳовлисидаги худди узум ми-

урғу бериши бежиз эмас. Кўмиш олдида кўчатларни турли қишлоқчи ҳашаротлардан ҳимоя қилиш мақсадида куйидаги оддий усуллардан фойдаланиш мумкин. Яъни гармдорининг аччиқ қисмини 35-40 градусли сувда совуқни майдалаб қориштириб ёхуд мохоркани сув билан аралаштириб, шунингдек, «Препарат-30» воситасининг бир ош қошиғини 10 литр сувда эритиб кўчатларга сепиш керак.

Хулоса қилиш мумкинки, худди инсон ҳориганидек, дарахтлар ҳам йил бўйи то мевасини бизга тутганича меҳнат қилади. Дарахтларнинг қишда бир маромда тин олиши кейинги йилга қувват йиғиб, ҳосилдорлиги ошишида асосий мезонлардан саналади.

— **Сўхбатимиз сўнгига республикамиз ҳудудида етиштирилиши тавсия этилган ва давлат реестрига кирган анор навлари ҳақида маълумот берсангиз.**

— Ватани Ўрта Осиё, Озарбойжон, Эрон ва Афғонистон саналган анорнинг ёввойи навлари Ўрта ер денгизи атрофи, Ўрта Осиёнинг жанубида, Қрим, Кавказ, Эрон, Афғонистон, Олд Осиё ва Доғистонда учрайди. Мамлакатимиз ҳудудида давлат реестрига киритилган «Қозоқи анор», «Аччиқ дона», «Десертний», «Қизил анор» сингари навларни экиб, мўл ҳосил олиш мумкин.

Ойбуви ОЧИЛОВА
сўхбатлашди.

Бугун инсоният томонидан «кашф» этилган, айна пайтда асосли изоҳ ҳалигача берилмаган энг катта жумбоқлардан бири нима эканини биласизми? Бу сиз ўйлагандек, машъум Бермуд учбурчаги атрофидаги гап-сўзлар, Марсда инсон умргузаронлик қилиши билан боғлиқ мунозаралар ёки Улкан адрон коллайдердаги тажрибалар қанчалик муваффақиятли кечиши каби масалалар эмас. Аксинча, булардан ҳам аҳамиятли бир ҳодиса борки, унга неча даврлардан бери жўяли бир таъриф топилмайди.

Тўғри, қатор мутахассислар юқорида тилга олинган ҳодиса ва вазиятларга кенг жамоатчилик томонидан қизиқиш катта эканлигини инкор этмайди. Шунга қарамай, мозий ва ҳозирги кунда бирдек сирли ҳамда қизиқарли ҳолатни эътироф этишади. Энг қизиғи, баъзи тадқиқотчилар мазкур феномен ҳатто Курраи заминнинг бутун мавжудлиги давридаги энг асосий жумбоқлардан бири сифатида кўрсатилиши мумкинлигини ҳам таъкидлашади. Бу илм-фанда Парето қонуни ёки «80га 20» тамойили қонуниятини номини олган ҳодисадир.

«Умумий социология бўйича илмий асар» номли йирик ҳажмдаги китобини нашр эттиради. Асар 2600та бўлимдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири яхлит бир тизимнинг қисми сифатида мустақил мазмун-моҳиятга эга эди. Шу сабаб ҳам тадқиқотчининг ижод маҳсули Фарб назарий социологиясининг классик асари, дея эътироф этилди.

Лекин яна бир жиҳат борки, уни алоҳида таъкидлаш лозим, Парето асар устида иш бошлаганида у энг аввало, Буюк Британиядаги моддий бойликлар ва даромад кўрсаткичларига эътибор қаратади. Шунда олим мамла-

Xoh ishonimg, xoh ishonmang

АҚШ ва Европада мутахассиснинг саъй-ҳаракатлари муносиб баҳоланмагач, Мозес Юран Японияга кўчиб ўтади ва бу ерда бир пайтнинг ўзида қатор маҳаллий корпорациялар билан ишлаб бошлайди. У япон ишлаб чиқарувчиларини аста-секинлик билан кескин ўзгаришлар амалга оширишга кўндирди. Бунинг учун улардан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бешдан тўрт қисмидан воз кечиш талаб этиларди. Ўрнига умумий товар ҳажмини 80 фоизга камайтириб, қолган 20 фоиз энг даромадли маҳсулотларни энг кўп фойда келтирадиган 20 фоиз харидорларга сотишни таклиф этади.

Эътиборлиси, Юраннинг бундай саъй-ҳаракати кўп ўтмай кутилганданда аъло натижани берди — кунчиқар юрт тараққиёт борасида шунчалик илдамлаб кетдики, иқтисодий барқарор мамлакатларга етиб олиб, уларни ортда ҳам қолдира бошлади! 1970 йил-

ПАРЕТО ҚОНУНИ

оламдаги уйғунлик нисбати

АЗАЛИЙ ТЕНГСИЗЛИК

Инсоният азал-азалдан тенглик тарафдори бўлган ва у бутун умр шунга интилиб яшайди. Лекин агар Парето қонунига таянадиган бўлсак, биз қидираётган ва интилаётган ўша мукамал тенглик, яъни 50га 50 ҳолати аслида на барқарор ва на уйғун бўлар экан. Бу ўзаро уйғунлик 80га 20 ёки 20га 80 ҳолатида қарор топиб, қолган барчаси мазкур икки сеҳрли рақамлар мутаносиблигини ўрнатишга бўлган саъй-ҳаракатлар, деганидир. Бироз ғайритабиий назария, шундай эмасми? Аммо энг ажабланарлиси шуки, қанча эътироз билдирманг, қанча инкор этманг, ушбу қонуният ҳамма ерда ва ҳар доим кузатилади!

Ишонмасангиз, сотувчилардан сўранг, шунда расталарга кўйилган маҳсулотларнинг 20 фоизи даромаднинг 80 фоизини ташкил этишини билиб оласиз. Харидорлар бобида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади: улар харидининг 20 фоизи туфайли 80 фоиз соф фойдага эришади. Тадбиркорларнинг таъкидлашича, умумий иш ҳажмининг 80 фоизини уларнинг 20 фоиз ходимлари бажаради, лекин шунда ҳам бу меҳнатсеварлар иш унумдорлигини таъминловчи 80 фоизга иш кунининг бор-йўғи 20 фоизга тенг вақт ораллиғида эришади.

Худди шу нисбат бошқа соҳа вакиллари орасида ҳам кузатилади. Масалан, мактаб ўқитувчиси фаолиятида. Интизом билан боғлиқ муаммоларнинг 80 фоизини синф ўқувчиларининг бешдан бири қисми келтириб чиқарши маълум. Яна аниқланишича, таҳсил олаётганларнинг 20 фоизигина таълим тизими томонидан яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланади. Ҳатто маиший ҳаётда ҳам бу нисбат бизни «таъкиб» қилади: аксарият ҳолларда уйдаги гиламларнинг 20 фоиз қисмида доғларнинг 80 фоизи бўлади ёки 80 фоиз ҳолларда биз ўзимизда бор кийим-кечакнинг 20 фоиз қисмини киямиз. Қизиқ феномен, тўғрими?

Умуман, Ер шари нуқтаи назаридан олиб қаралганда ҳам яна шу ҳолат: сайёрамизнинг бешдан бири қисми (20 фоизи)ни қуруқлик, қолган 80 фоизини эса шунга мос равишда океанлар эгаллайди. Қуруқликнинг фақат 20 фоиз худудида Ер юзида яшайдиган аҳолининг 80 фоизи истиқомат қилади. Ёки яна бир факт: дунёдаги жами ишлаб чиқариш ҳажмининг 80 фоизи 20 фоиз мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Мазкур барча маълумотлар Глобал дунёни яратиш халқаро лойиҳаси доирасидаги тадқиқотларда аниқланган. Уларни эшитгач, ҳайратда қолади киши, гўёки бу бир мўъжиза ёки сеҳр-жодуга ўхшайди.

Бироқ бу ҳеч қандай ажабтовур ҳодиса эмас, балки 1897 йилдаёқ италиялик иқтисодчи олим Вильфредо Парето (1848—1923 йй.) томонидан кашф этилган ҳақиқий ҳаётий қонуниятдир. Тадқиқотчининг ихтироси турлича — «Парето тамойили» ёки «энг кам ҳаракат тамойили» номлари билан ҳам аталади.

ЎРНАК БЎЛАДИГАН ҲАЁТ ЙУПИ


Паретонинг тақдири инсонга табиатан берилган юксак қобилият ва тафаккурдан самарали фойдаланишнинг ёрқин мисоли эканини алоҳида таъкидлаш зарур. Олим 1848 йил 15 июлда таваллуд топган. Паретолар оиласининг турли даврларда ҳаёт кечирган вакиллари савдо-сотиқ ишларини юксак чўққига кўтаришган ва уларнинг номи Генуя республикасининг «Олтин китоби»га киритилган. Хусусан, Вильфредо Паретонинг бобоси французлар билан яхши ҳамкорликни йўлга қўйгани учун Наполеон ҳукмронлиги даврида аслзодалик мавқеига кўтарилган ва бу мансаб унинг неварасига ҳам мерос бўлиб ўтган.

1864—1867 йилларда бўлажак олим Испаниянинг Турин университетиде математика ва физика фани бўйича билимларини эгаллаш билан банд бўлган. Кейинчалик эса муҳандислик таълимини ҳам олган. Кўп фурсат ўтмай, у физика-математика фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлайди. Айна пайтда унинг биология ва иқтисодиётга қизиқиши ортиб боради, мутафаккирлар асарларини мутолаа қилади. Кейинги йигирма йил — 1870—1890 йиллар ораллиғида Парето ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритиб, «Валь Д'Арно металлургия заводлари» акционерлик жамиятининг бош директори лавозимига ҳам тайинланади.

Шу ўринда яна бир ўзига хос жиҳат: 1882 йили Вильфредо Парето парламент сайловларида иштирок этиб, ҳукумат аъзолари таркибига кирмоқчи бўлади, аммо унинг мазкур уриниши бесамар кечади. Лекин ортга қайтиш унга хос эмас эди, чунки бу тадқиқотчидаги қурашувчанлик ва олдинга интилиш каби хусусиятларга зид келарди. Шу сабаб, у яна уч маротаба сўл либераллар партияси номзоди сифатида сайловларда иштирок этади. Таассуфки, бирор марта ҳам ғолиб бўлмайди. Айна шу ҳолат унинг ҳаётида кескин бурилиш ясаб, кейинги тақдирини белгилаб берди, десак янглишмаган бўлаемиз.

XIX асрнинг 90-йилларида турмуш тарзини кескин равишда ўзгартирган ҳолда Вильфредо Парето металлургия компаниясининг бош директори лавозимидан ўз хоҳишига кўра воз кечади ва истеъфога чиқади. Сўнгра Швейцарияга кўчиб ўтиб, 1894 йилдан Лозанна университетининг сиёсий-иқтисодиёт кафедраси профессори лавозимида иш бошлайди. Аммо олимнинг социологияга бўлган қизиқиши унга тиним бермасди. 1898 йили катта миқдордаги меросга эга бўлган Парето Селиньяга кўчиб ўтиб, ижодий ишга батамом шўнғиб кетади. Унинг ишга ўта даражада берилишини кўрган атрофдаги одамлар Паретони «селиньялик зоҳид олим», дея атай бошлашади.

Изланувчан тадқиқотчининг меҳнати маҳсули 1916 йилга келиб жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди: у



катдаги мулк ва кўрилаётган фойданинг 80 қисмига британияликларнинг 20 фоизи эгалик қилишини, шунингдек, бу кўрсаткич ўзгармас эканини аниқлади. Кейинчалик у бошқа мамлакатлардаги вазият ва турли ҳолатларни ўрганди, аммо 80га 20 кўринишидаги ажойиб мутаносиблик аксарият ҳолларда ҳамон сақланиб қолишини қайд этди.

Айтганча, «Ворлдс Вондерс» нашрида ёзилишича, яқинда астрономлар Парето қонунига тасдиқни ҳатто космосда ҳам топишибди: самодда элементар зарралар массасининг тақсимланишида ҳам бу нисбат қузатилади экан. Қизиғи, мазкур «тенгсизлик» нима сабабдан ҳаммиша кузатилиши ва ижтимоий ҳаётнинг барча босқичларида қайд этилишига Парето жўяли изоҳ топиб беролмади. Дарвоқе, ундан кейин мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб борганлар ҳам. Бироқ ҳозирга қадар ушбу факт фактлигича қолмоқда.

АҚЛ БИЛАН ИШ ТУТИШ САМАРАСИ

Айтиш керакки, кейинги 50 йилдан ортиқ вақт давомида Парето томонидан кашф этилган тамойилга кўпчилик деярли эътибор қаратмади. Лекин 1949 йилга келиб, Парето қонунини Харвард университети профессори Жорж К.Зипф бироқ бошқачароқ шаклда таърифлади. Аниқроғи, у барча инсонлар, маҳсулотлар, интеллектуал билимлар ва ҳатто вақтнинг ўзи ҳам шундай ташкил этиладигани, натижада амалга оширилган иш минимум ҳолатга келтирилади, деган фикрни ўртага ташлади. Масалан, иш столи устидаги тартибсизлик аслида доимо қўл остида бўлиши талаб этиладиган қоғоз ва буюмларнинг бор-йўғи 20 фоизи туфайли юзага келади. Зипфнинг изоҳлашича, мазкур тартибсизлик фойдадан холи эмас, чунки у ходимга зарур ҳолларда керак бўладиган нарсалар ҳисобини ташкил этади.

1951 йили океанортилик яна бир тадқиқотчи, муҳандис Иосиф Мозес Юран Парето тамойилини «улкан аҳамият касб этувчи камлик тамойили», деб таърифлайди ва унинг асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга интилди. Бироқ

лардан сўнг Юран илгари сурган таклиф ва гоёларни Фарб давлатлари ҳам жиддий қабул қила бошлаганининг сабаби ҳам қисман ушбу вазият билан боғлиқ, десак муболага бўлмайди. Мутахассисдан мамлакатга қайтишни сўрашгандан сўнг, у АҚШга келди ҳамда Японияда қандай жонкуярлик ва шижоат билан меҳнат қилган бўлса, ўз давлати ишлаб чиқариш соҳаси учун ҳам шундай тинимсиз изланди. Жараёнда Юран биринчи ўринда компьютер технологияларига ургу берди. Баъзи Фарб аналитиклари ҳозир дунёнинг энг бадавлат инсонни ҳисобланадиган Билл Гейтс айнаан Мозес Юран ривожлантирган тамойилга таяниб фаолият юритгани учун бу мавқега эришган, деган фикрда.

АСОСИЙ ХУПОСАЛАР...

Улар эса қуйидагича: ижтимоий тўнтариш ёки инқилоб деган тушунча ўта мавҳум. Чунки ҳар қандай ижтимоий ўзгаришларда биз юқорида таҳлил этган айнаан 80га 20 нисбатининг ижтимоий мазмун-моҳияти акс этади. Энг муҳими, бунда биз қаерда эканимизни тўғри баҳолай олишимиздир. Боиси ўша «саксончилар» ичиде ҳам, «йигирма фоиз» орасида ҳам бўлишимиз мумкин. Бунда қай бир томондан ёндашиш катта аҳамиятга эгадир. Масалан, сиз ўзингиз истаётган ва эгалик қилишни орзу қилаётган мулкдан 20 фоизга айна пайтда эгасиз, холос. Ўз навбатида, бу сиз мақсадингизга эришиш йўлида иш вақтининг 80 фоизини беҳуда сарфлаётганингиздан далолатдир.

Инкор этишга шошилманг. Чунки мазкур хулосани Вильфредо Парето, Жорж К.Зипф, Иосиф Мозес Юран каби етакчи мутахассислар неча ўн йиллар олдин тақдим этишган ва бу қараш амалда ҳам ўз тасдиғини топган. Шу сабаб, хавотирланманг: имкониятларнинг 80 фоизи даражасида меҳнат қилинг ва сиз 20 фоизга эга бўласиз. Шунинг ўзи талаб ва эҳтиёжларингизни тўлиқ қоплайдики, бунга ҳайрон қолмай иложингиз йўқ.

ИККИ СОАТ ВАҚТ ТАПАБ ЭТИЛДИ

Массачусетс технологик институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган дастур ёрдамида атиги бир неча соат ичида семит тиллар оиласига мансуб муомаладан чиққан угарит тилини ўқишга эришилди. Яқин кунларда Швецияда бўлиб ўтадиган халқаро конференцияда тадқиқотчилар Регина Барзилай, Бен Снайдер ва Кевин Найт мазкур изланиш натижалари билан дунё илм аҳлини батафсил таништиради.

Дастур ёрдамида угарит тили қадимий яҳудий (иврит)даги сўзлар билан солиштирилиб, улар ўртасидаги ўхшашликлар кузатилди. Натижада, алифбо белгилари ва сўзни ташкил этувчи қисм (морфема)лар борасида қатор бир хиллик аниқланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, угарит тилидаги қадимий матнларнинг бир қанчаси олдин тадқиқотчилар томонидан ўқилганди. Акс ҳолда, олимларда янги дастурнинг тўғри ишлаётганини текширишга имкон бўлмасди. Эътиборлиси, ҳозирча угарит тилида 30та ҳарф борлиги аниқланиб, уларнинг 29таси иврит алифбоси билан мос келган. Қадимий ўлик тилдаги сўзларнинг маълум қисми ивритда ўзакдошларга эга экани ҳам аниқланди.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, уларнинг изланишига тадқиқотчи Эндрю Робинсон қаламига мансуб «Йўқотилган тиллар» китоби туртки бўлган. Мазкур асарда муаллиф компьютерлар археолог ва лингвист олимларга зарур мантикий фикрлаш ҳамда ҳис этишга эга эмаслигини таъкидлаган. Айти пайтда тадқиқотчиларнинг компьютер дастурлари билан ишлаши эса ўлик тилларни ўқишда катта муваффақиятларга олиб келишини ҳам алоҳида эътироф этганди. Робинсоннинг ушбу фикридан руҳланган мустақил тадқиқотчилар гуруҳи эса айнан у айтган йўлдан, яъни ҳисоблаш машиналари ва инсон ақлий салоҳиятини уйғунлаштирган ҳолда изланиш олиб борган, дейилади «Вашингтон Пост» газетасида.



нинг бир қисми ҳисобланган ер ости йўли ҳам аниқланди. Унинг асл вазифаси нимадан иборат бўлганинига оидлиқ киритиш мақсадида олимлар янги тадқиқотларни ташкиллаштиришни режалаштиряпти.

ЯНГИ УСУЛ ҚАНЧАЛИК САМАРАЛИ?

Австралиядаги Аделаида университети олимлари инсон улғайган сари аллергия касалликларга чалиниш эҳтимоли қанчалик юқори бўлишини кўрсатувчи оддий тест ишлаб чиқишди. Мамлакатда аллергия касаллиги кўп кузатилади.



тилгани боис, аниқ маълумотга эга бўлиш мақсадида аҳоли вакиллари қақалоқлик пайтидаёқ мазкур тестдан ўтказилиши режалаштирилмоқда, деб ёзади «Сайнс» илмий журнали.

Университетнинг иммунология бўйича профессори Тони Феррантенинг фикрларига қараганда, тақлиф этилаётган тиббий методика сўнгги ўн йилликларда касалликнинг ривожланиш даражасини аниқловчи энг муваффақиятли воситадир.

Мутахассисларнинг фикрича, аллергия касаллига мойиллиги баланд бўлган болаларда протеинкиназа-С-зет номли оқсил миқдори камайиши кузатилади. Айнан шу жиҳат янги методикани ишлаб чиқишда асос қилиб олинган. Шу билан бирга, университет илмий ходимлари томонидан 2007 йилда ўтказилган тажриба натижаларига ҳам таянилган. Натижада, профессор Тони Ферранте ва Фарбий Австралия университети олими Сюзан Прескотт бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи ушбу методикани такомиллаштириш, уни нисбатан содда ва қўллашга қулай услубларини яратишининг урдасидан чиқди.

Айти пайтда олимлар аллергияга қарши курашишда балиқ мойининг таъсирини ўрганишмоқда.

— Балиқ мойи болаларда протеинкиназа-С-зет оқсили миқдорини ошириш хусусиятига эга экани амалда тасдиқланди, — деди тадқиқотчи Ферранте. — Демак, агар унинг ёрдамида махсус дармонлар ишлаб чиқиши ва қўлланилиши йўлга қўйилса, бу кичиктойларда касаллик кучайишининг олдини олишга самарали ёрдам беради.

САМОДАГИ ЯНГИ РЕКОРД

Асосий космик минтақадаги астероидларни ўрганувчи «Даун» аппарати тезлик борасида ўзига хос рекорд ўрнатди. Ҳозирда самовий зонднинг ионли двигателлар ҳисобига сониясига 15 километр тезлик билан ҳаракатланмоқда. Бу ҳақда НАСА қошидаги Реактив ҳаракат лабораториясининг матбуот хизмати ахборотномасида маълум қилинди.

Мутахассислар 2007 йилда самога чиқарилган «Даун» аппарати яна 5 йил давомида тадқиқотлар ўтказишини ҳам таъкидлашган. Зонднинг асосий вазибалари ўта кичик Церера сайёраси ва Веста астероидини ўрганишдан иборат.

Олимларнинг айтишича, аппаратнинг учта двигатели парвознинг маълум пайтларида ишлайди. Айти кунга қадар улар умумий ҳисобда 620 кун фаолият юритган. Космик маконда ҳаво йўқлиги сабаб аппарат маълум тезликка эришгач, шу маромда яна ортиқча қийинчиликларсиз ҳаракатланиши мумкин. Ракетанинг яна бир устун жиҳати ионли двигатели кам харажат талаб этади. Чунки улар электр майдонда ҳаракатга келтирилган ксенон ёки бошқа инерт газ ионлари ёрдамида ишлайди.


Наргиза РУСТАМБЕКОВА ва Жамшид ХОДИЕВ тайёрлади.

ЯКУНЛАНМАГАН ЕР ОСТИ ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

Мисрдаги Ҳукмдорлар водийсидаги фиръавн Сети I мақбараси ҳудудида узунлиги 174 метрли тугалланмаган ер ости йўли — туннель аниқланган. Бу ҳақда мамлакатнинг маданият ишлари вазирлиги расмий равишда эълон қилди, дейилади «Блумберг» манбасида.

Аслида туннель ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ топилиб, кейинчалик унинг жойлашуви тўғрисидаги маълумотлар йўқолган ва қазилма ишлари тўхтатилганди. Аммо бир неча ўн йилликлар давомида олиб борилган тадқиқотлар самараси ўлароқ, бугунга келиб унинг қаерда эканини қайтадан аниқлашга эришилди. Туннель ер остига кетган ва бир-бири билан йўлақлар орқали тўшатирилган иккита зинапоя кўринишидадир. Иншоот яқунланмаган ёзувлар ва суратлар билан безатилганини археологлар таъкидлашмоқда. Тахминларга кўра, йўл яширин сағанага олиб бориши режалаштирилган.

Маълумот ўрнида айтиш зарурки, эрамыздан аввалги XII асрда Мисрда ҳукмронлик қилган XIX сулола фиръавни Сети I мақбараси 1817 йили топилиб, иншоот деворидаги ёзув ва суратлар анча яхши сақланиб қолгани билан археологлар эътиборини тортган. Қизиғи, мақбарага олиб борувчи йўл пухта яширилган бўлиб, у тасодифан кучли ёмғирлар туфайли юзага келган қирқоқларнинг кўчиши жараёнида очилган. Мана эндиликда эса қадимий даҳма-



ҚАЙТА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

Тендер номи: 2010 йилда умумтаълим мактаблари учун синф журналлари ва бошқа мактаб ўқув ҳужжатларини харид этиш.
Тендер №: ХТВ-МНТ-2010

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарори талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда умумтаълим мактаблари учун куйида номлари келтирилган синф журналлари ва бошқа мактаб ўқув ҳужжатларини тендер савдоларини ўтказиш орқали харид қилади:

№	Мактаб ўқув ҳужжатларининг номи	Адади
1.	Психологик-педагогик ташхис дафтари	962 000
2.	Баҳолар табели	962 000

Тендер синф журналлари ва бошқа мактаб ўқув ҳужжатларини сифатли ва арзон ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очик кўринишда ўтказилади.

Тендер бошлангунга қадар Тендер комиссияси ёки Тендер комиссиясининг ишчи гуруҳи томонидан тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар малакали танловдан ўтказилади. Шунинг учун талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи гуруҳига куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома;
- талабгорнинг қайта ташкил этиш ёки тугатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатга олиш идорасидан маълумотнома;
- талабгорнинг юридик шахс эканлиги тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал идоралари томонидан тасдиқланган нусхаси;
- талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси;
- Эълон берилган даврда тендер талабгорининг картотекаси бўйича (К-2) асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида банкнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган маълумотномасининг асл нусхаси.

- Куйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун қўйилмайди:
- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик арафасида турган;
- малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;
- тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
- пакетлар (маҳсулотлар) бўйича ўз ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлмаган;
- тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.

Малакали танловни ўтказиш тендер тақлифларини қабул қилишнинг охиригидан бошлаб 5 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи гуруҳи ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хом ашё ва материалларнинг захиралари ва бошқаларни шахсан ўрганиш ҳуқуқига эга.

Талабгорлар 2010 йил 3 июлдан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимидан кўшимча маълумотлар олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер тақлифлари топширишининг охиригидан кунга қадар ҳар кун (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00гача куйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлими. Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319-хона. Телефон: (+99871) 239-14-01, 239-40-83, Факс: (+99871) 239-40-81.

Халқ таълими вазирлигининг куйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 250 000 (икки юз эллик минг) сўм миқдоридаги қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Тендер ҳужжатлари олинади: Махсус ҳисоб рақами № 202030001001044002, АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали, МФО 00423, ИНН 201122808.

Тендер тақлифи умумий қийматининг 2 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги зақалат билан тақлиф қафолатланиши шарт. Зақалат суммаси ҳар бир маҳсулот учун алоҳида тўлов топшириқномасида кўрсатилган ҳолда Халқ таълими вазирлигининг юқоридаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши керак.

Тендер тақлифлари 2010 йил 16 июль соат 14:00га қадар ишчи гуруҳ манзилига топширилиши керак. Тендер тақлифлари 2010 йил 16 июль кун соат 15.00 да юқорида келтирилган манзилда барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

So'z ko'rki

NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

I

Ipni har qancha bo'yagan bilan ipak bo'lmas.

Maqolda har narsaning asli, zoti, o'zagi qanday bo'lsa, o'zi, sifati ham shunday bo'ladi, degan ma'no uqtilayotir. Xalqimiz bu haqda: "Qazisan, qartasan, axir aslingga tortasan" degan maqol ham yaratgan. Hazrat Navoiy esa:

**Kim, kuchuk birla xo'dukka
necha qilsang tarbiyat,
It bo'lur dag'i eshak, bo'lmaslar aslo odamiy,**

— degan purhikmat misralar yozgan.

Haqiqatan ham ipni qanchalar bo'yab-bejamang, ipligicha qoladi. Hech qachon ipak bo'la olmaydi.

Maqol qalbakilik, ko'zbo'yamachilikni tanqid, rostgo'ylik bilan ish ko'rishni olqishlashga bag'ishlangan.

Ish ustasidan qo'rqar. Hunar egallashga, o'z ishini ustasi bo'lib yetishishga da'vat etuvchi maqol. Muqobillari: "Ish — bilganniki, qilich — tutganniki"; "Temirchining qo'lida temir erib suv bo'lar"; "Ish, ishning ketiga tush"; "Har ishning ketiga tushgan — qo'lga olmay qolmas"; "Ishlasang — tishlarsan"; "Ishning o'zi ishga o'rgatadi"; "Ishlaganing — uyingga, o'rganganing — o'zingga" kabi.

Mehnat, harakat, kasb-korni, hunarni san'at darajasiga ko'tarishga chaqiriq.

Y

Yigitning sazasi o'lguncha, ho'kizning bo'yni uzilsin. Ota-bobolar, odatga ko'ra, yigitlarni nihoyatda hurmat qilganlar. Ularning so'zi-suxanini yerda qoldirmaydilar. Maqolda shu odat o'z badiiy in'ikosini topgan. Muqobillari: "Yigitning sazasi singuncha, shaytonning bo'yni uzilsin"; "Yigitning sazasi o'lgandan o'zi o'lgani afzal"; "Yigit ko'ngli — podsho"; "Yigit ko'ngli ipakdir, bir chigilsa, cho'zilmas"; "Yigitning xuni yuz yilqi, ori ming yilqi"; "Yigitning xo'rliqi o'limdan qattiq" singari.

Yigit millat qo'rg'oni, suyangan tog'i, yashnagan bog'i, or-nomusi, kuchi-qudrati. Shu sabab millat oriyati yigit timsolida namoyon bo'ladi.

Yiqilgan kurashga to'ymas. Muqobillari: "To'kilgan to'lmas, yiqilgan to'ymas"; "Yutqazgan o'yinga to'ymas, yiqilgan — kurashga".

Bu maqollarni biror ishning uddasidan chiqolmasa ham, hadeb behuda urinaveradigan odamlarga nisbatan kinoya tarzida qo'llaydilar.

Yo'l azobi — go'r azobi. Qiyos, taqqos maqoli. Yo'l yurib tortilgan azob, gunohkor bandaning Munkarnakir so'roqlari oldidagi go'r azobi bilan barobar, deyilayotir. Hozirgidek temiryo'l, avtomobil va havo transporti bo'lmagan zamonlarda tuya karvoni, ot, eshak, piyoda uzoq safarga chiqqan odam, masalan, haj ziyoratiga, benihoya katta azob-uqubatlarga duchor bo'lgan. Bunday uqubatni ota-bobolar ushbu maqolda lo'nda qilib ifodalaganlar va bu borada — yo'l yurish, safar, sayohatga chiqish jo'nida o'z maslahatlari bilan yordamga kelganlar:

"Yurishdan avval yo'l axtar"; "Yo'l so'ramay yo'lga tushma"; "Yo'lni bilgan qoqilmas"; "Bozor bilgan och qolmas, yo'lni bilgan kech qolmas"; "Yo'l ko'rmagan yo'l ochar, kun ko'rmagan kun ochar"; "Yo'l bilmasang, yo'lchiga boq"; "Bilmagan yovuq yo'ldan bilgan yiroq yo'l yaxshi"; "Sinagan yo'lingdan qolma, sinamagan yo'lingga borma"; "Yomon havoda yo'l bosgandan tinch go'lahda kul bosgan yaxshi" (go'lax — hammom o'bxonasi); "Yelli kun yo'rt, yog'inli kun yot"; "Bemahal yurgan qoqilar"; "Bir kunlik yo'lga chiqsang, bir haftalik oziq ol"; "Yoz yopinchi'ingni qo'yma, qish o'zing bilasan"; "Yo'lga chiqsang, yo'ldoshli chiq"; "Avval yo'ldosh, keyin yo'l"; "Yo'l topguncha yo'ldosh top"; "Yo'ldoshini tashlagan yo'lda qolar" maqollari shular jumlasidandir. Maqol hamma zamonlar uchun ham dolzarbligi sabab katta ahamiyat kasb etadi.

Mahmud SATTOR
(Davomi bor.)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги
Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг
бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат-нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан **"Баркамол авлод йили"** Давлат дастурининг амалга оширилишига қаратилган куйидаги мавзулардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— **ёшларни, аввало, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини, хусусан, қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароитлар яратиш;**

— **хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, айрим туманларда ва қишлоқ жойларида уларнинг касбга ўқитиш ишларини яхшилаш;**

— **ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, зарарли таъсирлардан, ташқаридан кириб келувчи паст савиядаги турли «оммавий маданият» таҳдидлари ва таъсирларидан асраб қолишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.**

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 10 млн. сўм.

Ҳужжатлар 2010 йил 30 июль соат 16:00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар кузатувчи хат билан муҳрланган конвертда (A4 формат): **"100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй"** манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига (CD дискда электрон кўринишдаги нусхаси билан)** юборилиши шарт.

Танловда республика ҳудудларидан иштирок этувчилар ҳужжатларни раҳбар имзо-си ва ташкилотнинг муҳри қўйилгандан сўнг сканер қилган ҳолда **grant-9-ngo@inbox.ru** электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг куйидаги расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76, 239-84-42).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат-нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан **ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни рўёб-га чиқаришга қаратилган** куйидаги мавзулардаги лойиҳалар кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— **аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш, сув объектлари ва ҳаво муҳитининг ифлосланиш даражасини камайтириш;**

— **ногиронлар таълими ва уларни тарбиялаш учун қулай шароитлар яратиш, улар жамиятлари ва уюшмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.**

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 8 млн. сўм.

Ҳужжатлар 2010 йил 30 июль соат 16:00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар кузатувчи хат билан муҳрланган конвертда (A4 формат): **"100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй"** манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига (CD дискда электрон кўринишдаги нусхаси билан)** юборилиши шарт.

Танловда республика ҳудудларидан иштирок этувчилар ҳужжатларни раҳбар имзо-си ва ташкилотнинг муҳри қўйилгандан сўнг сканер қилган ҳолда **grant-10-ngo@inbox.ru** электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг куйидаги расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76, 239-84-42).

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ 01

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари риоя қилиш орқали биринчи навбатда ўзимизни, яшаётган уйимизни, таълим олаётган масканимизни асраб қоламиз. Озгина бепарволик, эътиборсизлик ёки шўхлик оқибатида ҳаётимизга хавф солувчи катта кўнгилсиз воқеа содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолат юз бермаслиги учун ҳар биримиз ўз вазифамизни тўлиқ бажаришимиз ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишимиз лозим. Ёз мавсумида оромгоҳларда, соғломлаштириш майдончаларида ёнғинга сабаб бўлувчи қуруқ шох-шаббалар, ўт-ўланлар бўлади. Шу каби ҳолатларни инobatга олган ҳолда куйидаги ёнғин хавфсиз-

лиги қоидаларига амал қилиш тавсия этилади:

бирламчи ёнғин ўчириш во-ситалари ва ёнғинга қарши сув манбалари тўлиқ ва соз ҳолда бўлиши;

биноларда вақтинча тортилган электр тармоқлари бўлмаслиги ва носоз ҳолдаги электр ўтказ-гичлардан фойдаланмаслиги;

бинонинг кўшимча чиқиш эшикларини ҳар хил нарсалар билан тўсиб қўймаслиги ва қулай очилишини таъминлаш;

ёнғин хавфсизлиги бурчагида керакли анжомлар (лом, белкур-рак, болта, челак ва ёнғин ўчи-ригич) бўлиши;

ўқувчи-ёшлар билан мунтазам равишда ёнғин хавфсизлиги

қоидалари ва ёнғин вақтидаги ҳаракатларни ўрганиб бориш; мактаб ўқитувчилари ва ўқув-чилари таркибида кўнгилли ёнғин ўчириш гуруҳларини таш-кил қилиш;

ёнғин хавфсизлиги бурчакла-рини ташкил этиш; хоналарда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига оид йўриқноманинг осиб қўйилиши;

телефон алоқа тармоғининг доимий ишлашини таъминлаш.

Ўзимизни ҳамда бизларга ке-ракли бўлган жиҳозларни ёнғиндан сақлаш ўз қўлимизда эканлигини унутмаслигимиз ло-зим.

И.МИРЗАЕВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ
инспектори, сержант

МАРРА — МАҲОРАТ ЭГАЛАРИНИКИ

Хабарингиз бор, ҳар йили республикамизнинг барча ҳудудларида ўқувчи-ёшларни спортнинг оммавий турларига жалб этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва улар ўртасида дўстона алоқаларни кучайтириш мақсадида «Баркамоллик сари» шиори остида узлуксиз мусобақалар ташкил этилади.

Шу кунларда «Ёз — 2010» мусобақаларининг биринчи босқичи Урганч туманидаги Юқорибўғ қишлоғидаги 18-умумтаълим мактабида ҳам ўтказилди. Қувонарлиси, ёш спортсеварларни олқишлаш учун бутун қишлоқ аҳли йиғилди. Даставвал футбол матчи ташкиллаштирилиб, майдонга Чоткўпир қишлоғидаги «Дўстлик» маҳалласи ҳамда Юқори Дўрмон қишлоғининг «Мергановул» маҳалласи ўсмирлари чиқди. Иккала жамоа аъзолари мусобақага руҳсат берилгач, тезкорлик билан ўйинни бошлашди. Бир қарашда, беллашув бошиданоч қоткўпирлик ўқувчиларнинг шашти баланглиги сезилгандай бўлди. Лекин Мергановул маҳалласи ёшларининг ҳам ўзига хос маҳорати бор эканки, улардаги абжирлик ва чаққонлик рақиблардаги шиддатни босиб кетгандек бўлди...

«Yoz—2010»

Мусобақани кузатиб, беихтиёр ўйин иштирокчисига айланиб қолгингиз, болалар шовқинига кўшилиб кетгингиз келади. Энди маррани қайси гуруҳ вакиллари эгаллар экан? Бир лаҳза мусобақа ташкилотчиларини суҳбатга тортдик.

— Айни пайтда «Футболимиз келажиги» деб номланган 15-16 ёшли ўқувчилар ўртасида футбол бўйича туман биринчилиги ўтказилди, — дейди болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Урганч туман мутахассиси Мадамин Солаев. — Унда 8та жамоа иштирок этмоқда.

Навбатдаги баҳсда Чолиш («Комилжон Отаниёзов» маҳалласи) ва Фалаба («Обод маҳалласи») қишлоқларидан келган ёш футболчилар ўзаро куч синашди.

Икки кун давом этган мусобақалар якунида, бош ҳакам Рашид Раҳимов натижаларни эълон қилди.

Биринчи ўрин юқорибўғликларга насиб этди. Иккинчи ўрин Юқори Дўрмон қишлоғининг «Мергановул» маҳалласи вакилларига насиб этди. Чаққонликнинг «Анжирчи» маҳалласи ўқувчилари учинчи ўринга сазовор бўлди. Голиб жамоа вакиллари Урганч туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Илҳом Матқаримов самимий муборакбод этиб, қимматбаҳо совғаларни топширди.

Таъкидлаш ўринлики, жараёнда 128 нафар спортчи иштирок этди. Туман голиблари эса ўз маҳоратини яна бир бор ишга солиб, вилоят биринчилиги мусобақаларида ҳам юқори натижаларга эришиш мақсадида аввалгидан-да кўпроқ ва самаралироқ тайёргарлик кўришга киришди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА, «Ma'rifat» муҳбири

БУГУН ЭРМАТОВГА МУХЛИСЛИК ҚИЛАМИЗ



Футбол бўйича ўтказиладиган ҳар бир мундиал ўзига хос жиҳатлари билан мухлислар хотирасида сақланиб қолади. Жанубий Африка Республикасида кечаётган 19-жаҳон чемпионати ҳам бу борада олдинчиларидан қолишмайди. Стадионни бошига кўтарётган вувузелачилар хаттоки мамлакатлар мадҳияси янграётганда ҳам «жўр» бўлаётганига нима дейсиз?! Гўёки «қора қитъа»да футбол мундиали эмас, «сурнай мундиали» бўлиб ўтаётгандек...

Ортда қолаётган ҳафта мобайнида ЖАРни яна саккиз жамоа тарқ этди. Бунга кечаги ва бугунги ўйинлардан сўнг омадсизликка учраган жамоаларни ҳам кўшадиган бўлсак, уларнинг сони 12тага етади. Демак, манзилга тобора яқинлашяпмиз. Шундай экан, баҳслар шиддати, қизиқарлиги гоёта ортиб бораётганига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Нимчорак финалдан кейин Жанубий Корея, АКШ, Словакия, Чили, Англия, Мексика, Япония ва Португалия тақдирга тан беришга мажбур бўлди. Улар ҳарчанд уриштишмасин, у ёғига йўл топилмади. Айниқса,

иккинчи «евродерби»га айланган Испания ва Португалия тўқнашуви ишқибозларнинг нигоҳи марказида бўлди.

Ёдингизда бўлса, 2004 йили айнан Португалияда кечган Европа чемпионатида Криштиану Роналду жамоадошлари «мотадорлар юрти» вакиллари 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган ва мағлуб гуруҳда қолиб кетганди. Ниҳоят, орадан 6 йил ўтиб, испанлар реванш олишга муваффақ бўлди: Давид Вилья томонидан киритилган ягона гол Дель Боске шогирдлари учун чорак финал эшикларини очди.

Шу ўйиндан сўнг операторлар кўпроқ португалларни қабул қилди...

галларни майдонга етаклаб тушган Роналдуға эътибор қаратишди. У ҳафалигини билдирмасликка интилиб, майдондан чиқиб кетди. Ҳарқалай, бу сафар унинг кўзларида ёш кўринмади.

Нимчорак финал матчида футбол шинавандаларининг кучли ҳаяжонига сабаб бўлгани эса чорак финалдаги муҳорабада юксак шижоатнинг чинакам инъикосига айланади. Буни исботлаш учун учрашувларни томоша қилинг, дея маслаҳат бериш шарт эмас. Шунчаки, чорак финал жуфтликларини келтириб ўтишнинг ўзи киноя: Уругвай — Гана, Голландия — Бразилия, Аргентина — Германия ва Парагвай — Испания.

Куни кеча бутун дунё аҳли икки улкан спектаклнинг шохиди бўлди. Қитъадошларимиз — жанубий корейликларни орта қолдирган Уругвай Африканинг биттаю битта «халоскори» Ганага қарши тўп сурган бўлса, мутахассислар томонидан ўйин аввалида имкониятлари паст баҳоланган «учар голландлар» Бразилияни қабул қилди...

Бугунги беллашувлар ҳар жиҳатдан ватандошларимиз учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Сабаби «финал олди финал» дея эътироф этилаётган «тўқнашув» — Аргентина ҳамда Германия матчини

ўзбек рефериси Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси бошқариб боради. Аргентиналиклар умидли ёшлар билан тўла Мексика жамоасини орта қолдирди. Германия, нима бўлишидан қатъи назар, кимсан футбол кашшофлари бўлмиш инглизларга «қайтиш эшикларини» кўрсатди.

Бизни табиийки, кўпроқ Равшан Эрматовнинг хатти-ҳаракатлари қизиқтиради. Майдонда асосий воқеликни юзага келтираётган Лионель Месси ёки Швайнштайгер эмас, Эрматов диққатимиз марказида туради...

Айтиш жоизки, бу йилги мундиалда бош ҳакамларнинг кўпол хатолари бот-бот кўзга ташланяпти. Хусусан, Хорхе Ларрионда ва Роберто Розетти «билимдонлиги» ҳақида мақола ёзмаган матбуот қолмади ҳисоби. Шундай мураккаб вазиятда энг қийин ва драматизмга тўла бўлиши олдинданок башорат қилинаётган баҳс бошқарувини ўз зиммасига олган юртдошимизга омад ёр бўлишини истаймиз.

Равшан Эрматов гарчи нимчорак финал матчида «аралашмаган» бўлса-да, улардаги вазиятларни синчиклаб кузатгани ва ўзи учун керакли хулосаларни чиқаргани турган гап. Кўплаб мутахассислар агар ўзбек ҳаками мазкур мураккаб довондан ҳам юқори кўрсаткич билан ўтолса, финалга «йўлланма» олишини тахмин қилишяпти. Бу биз — ўзбек футбол мухлисларини қувонтирмай қолмайди, албатта.

Зоҳиджон ХОЛОВ



ФИНАЛ — СОВУҚҚОНПИК БАҲСИ

Таниқли россиялик ракеткачи Вера Звонарёва Англиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган «Улкан тож» туркумидаги Уимблдон турнири финалига йўлланма олди. У бундай натижага эришган учинчи рус теннисчисидир.



Мусобақанинг 21-рақамли ракеткачиси Вера Звонарёва ярим финал матчида болгариялик рақибаси Цветана Пиронковани 3 сет натижасига кўра 3:6, 6:3, 6:2 ҳисобларида доғда қолдирди. Ҳаяжонга бой тарзда

кечган теннис мусобақаси 1 соату 46 дақиқа давом этди. Звонарёва кортда жуда ҳам ишонarli ҳаракат қилиб, учта брейк-пойнтни амалга оширди. Энг қизиғи, Пиронкова чорак финалда турнирнинг 2-рақамли теннисчиси америкалик Винус Уильямсни мағлубиятга учратганди.

Энди Вера Звонарёва ҳамюрти Мария Шарапова қаторига қўшилишини истаса, финалда ҳам зафар қучишига тўғри келади.

ШАРТНОМА ТЎСИҚ БЎЛМОҚДА

TSN манбаси берган маълумотларга кўра, сўнгги беш йилликда Миллий хоккей лигасининг «Питтсбург» жамоаси шарафини ҳимоя қилиб келаётган россиялик хоккейчи Сергей Гончар «Оттава» билан уч йиллик шартнома имзолади.

Гончар «Питтсбург» билан имзоланган уч йиллик шартномага мувофиқ муддат тугагунга қадар 16,5 миллион доллар миқдорда пул жамғарган. «Оттава» билан тўзилган шартномада эса ўйинчиларни алмаштиришни тақиқловчи банд мавжуд.



Гончар МХЛнинг энг тажрибали ҳимоячиларидан бири саналади. 2009 йилда у Стенли Кубогини кўлга киритди. Бешта мавсум давомида 322 матчда қатнашиб, 259 очко жамғарди. Профессинал хоккей билан шуғулланишни бошлаганидан буён 36 ёшли спортчи 991 матчда майдонга чиқиб, 202та гол уришга эришди.

ЖАМОА ТАРИХИДАГИ 18-МУРАББИЙ

Англиянинг «Фулхэм» жамоаси собиқ бош мураббийи Рой Хожсон эндиликда «Ливерпуль» устози сифатида ўз фаолиятини давом эттиради. «Фулхэм»ни ўтган мавсумда Европа Лигаси финалигача олиб чиққан мутахассис янги жамоа билан уч йиллик шартнома имзолади.



Аввал Италиянинг «Интер» ҳамда Швейцария терма жамоаси билан ишлаган Хожсон ўтган мавсумда премьер лиганинг «Энг яхши мураббийи» деб топилди.

— Бу фаолиятим давомида энг жиддий ўзгаришдир. Британиянинг энг омадли жамоаларидан бирига раҳбарлик қилишдан бахтиёрман, — деди 62 ёшли мураббий. Хожсон «Ливерпуль» тарихидаги 18-мураббийдир.

Ундан олдин жамоага испаниялик Рафаэль Бенитес бошчилик қилганди. Утган мавсум мерсисайдликлар учун жуда омадсиз кечди — буни клубнинг Англия чемпионати жадаллида еттинчи поғонани банд этганидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

ПОВЕТКИН ОРЗИҚИБ КУТЯПТИ

Боксининг IBF йўналиши бўйича чемпионлик камарига даъвогар россиялик боксчи Александр Поветкин IBF ва WBO йўналишларидан жаҳон чемпиони украиналик Владимир Кличко билан тез орада ўтказиладиган жанг унинг учун энг муҳим баҳслардан бири эканини айтди, деб ёзди Fightnews.com манбаси.

— Ҳаётимдаги ушбу муҳим жангда голиб бўлиш учун яхши тайёргарлик кўришим лозим, — деди Поветкин.

Мусобақа ҳозирча Германиянинг Франкфурт шаҳрида 18 сентябрь куни ўтказилиши кутилмоқда. У 55 минг томошабинга мўлжалланган «Commerzbank Arena» стадионида ўтказилади.

Владимир Кличко ҳамда Александр Поветкин ўртасидаги жанг аслида 2008 йилнинг декабрида ўтказилиши керак эди. Бироқ россиялик боксчининг кутилмаганда оғидан олган жароҳати учрашув қолдирилишига сабаб бўлганди.

Шаҳина ЖҲАЕВА ва Гулҳаё ХҲАЕВА тайёрладилар.



Давид Вилья

АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

2010-2011 ўқув йили учун қуйидаги олий таълим йўналишлари бўйича кундузги бўлимга

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- ☛ Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- ☛ Касб таълими (иқтисодиёт)
- ☛ Бизнесни бошқариш (тармоқлар бўйича)
- ☛ Молия
- ☛ Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)
- ☛ Фазначилик
- ☛ Технологик машина ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)
- ☛ Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш (транспорт турлари бўйича)
- ☛ Автомобилсозлик ва тракторсозлик
- ☛ Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси

Ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Ўрта ёки ўрта-махсус маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
2. Паспортнинг нусхаси.
3. 3,5x4,5 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
4. 086/У-шаклдаги тиббий маълумотнома.
5. Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Институтга қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг биринчи курсларига 2010-2011 ўқув йилида талабаларни қабул қилиш тартиб-қоидалари тўғрисидаги" Низом асосида амалга оширилади.

Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Абитуриентлар ҳужжатларни топширгани шахсан паспорт билан келишлари керак. Қўшимча маълумотлар олиш учун институт қабул комиссиясига (8-374) 224-72-78 телефони орқали мурожаат қилиши мумкин.



Манзил:
Андижон шаҳри
Бобур шоҳқўчаси,
56-уй.



ҲАМ ДАМ ОЛАДИ, ҲАМ БИЛИМ

Юнусобод туманидаги 97-мактаб қошида ташкил этилган "Ғунча" номли болалар соғломлаштириш оромгоҳида болажонлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Мавжуд 7 гуруҳда 22-25 нафардан болалар бўлиб, улар кун

Yoz—2010

бўйи ўзлари қизиққан тўгаракларда тарбиячилар бoshчилигида шуғулланишади. Хусусан, мунчоқ тикиш, расм чизиш, ашула-рақс, юмшоқ ўйинчоқлар яшаш, стол тенниси, футбол ҳамда шахмат-шашка тўгараклари болалар билан доимо гавжум.


— Оромгоҳимизга 26-му-

сиқа мактаби, Ёш техниклар ва "Лочин" спорт марказидан мураббийлар келиб, машғулотлар ўтаётгани ҳам болаларга ҳар жиҳатдан қўл келмоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Эльвера Ибраева. — Шунингдек,

ҳар бир гуруҳда дам олувчилар ўртасида ўзаро эртак айтиш, йўл ҳаракати қоидалари, экология мавзуларида мусобақалар ўтказилиб, голиблар ва фаол иштирокчилар рағбатлантириб бориляпти.

Суратларда: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта махсус та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва фан ходимлари
касба uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Бosh муharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Тahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Xurshid DO'STMUHAMMEDOV,
Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,
Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari,
"Учитель Узбекистана"), Aleksey
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Уз-
бекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-622.
Tiraj: 27800.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Hulkar TO'YMANOVA,

Navbatchi:
Zohidjon XOLOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruqsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.

belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00
Yil yakuni — 21.00